

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Ижтимоий демографик гуруҳлар
социологияси
фанидан

МАРУЗАЛАР МАТНИ

(Бакалаврларнинг социология йуналиши учун)

ФАРҒОНА 2002

ТУЗУВЧИ: уқит. М. ҚЎЧҚОРОВА
ТАҚРИЗЧИ: проф. Г. ХАМИДОВА / ФДП /

АУДИТОРИЯ СОАТЛАРИ:

Назарий машгулот	36 соат
Амалий машгулот	30 соат

Маърузалар матни социология кафедрасининг 2001 йил 25 октябрдаги йигилишида муҳокама килинди ва маъқулланди.

КАФЕДРА МУДИРИ: проф. Т.У.АБДУЛЛАЕВ.

КИРИШ:

Жамият узининг таркибий тузилиши жихатидан узаро чамбарчас боғлиқ булган томонлар табакалар бир бутун ижтимоий ва уларнинг уртасидаги содир буладиган ижтимоий муносабатларни уз ичига олади.

Уларнинг хар бир уз тараккиёти давомида бир-бирларига муайян салмоқли таъсир курсатади.

Республикамиз жамияти ижтимоий таркибини социология фани доирасида урганиш энг аввало назарий методологик жихатидан асослашни талаб этади. Хозирги давр социологи жамият хаётини урганишда ундаги ижтимоий таркибнинг социологик назарияси булишини талаб килади.

Бозор муносабатларига асосланган Гарб социологияси эришган ютуқлардан фойдаланган Узбекистон жамиятининг узига хос жихатларини хисобга олиб уларни ишлаб чиқиш социология фанининг энг мухим вазибаларидан биридир.

Инглиз социологларидан бири Редклифф Браун жамиятни фаолиятидаги тирик организм сифатида караб унинг таркибий кисмини ижтимоий бирликлар функцияси тадқиқотдан ажралмас деб хисоблайди. У жамиятнинг куйидаги таркибий тузилишини бошлангич асос сифатида карайди.

Социологияда жамият ижтимоий таркибий тузилишнинг ижтимоий-демографик муносабатлари хам мухим урин тутуди. Бу муносабатлар, асосан, ахолининг жинсий тузилиши, ёши, оилавий ва гунутик жихатларини уз ичига олади.

Хар кандай давлат ижтимоий сиёсатининг таркибига демографик сиёсат хам киради. Демографик муносабатларга мамлакат ахолисининг барча катламлари мансуб.

Ижтимоий демографик тартибга статистик жихаттан урганиладиган ахоли уртасида тугилиш, улим, никох, оилавий куйди-чикдилар, шахар вап кишлок ахолисининг миграцияси, худдудий миграция кабилар киради.

Узбекистон ижтимоий демографик жихаттан ниҳоятда мураккаб тузилишга эгадир. 51 фоизи хотин – кизлар, 9,6 миллион ахоли 16 ёшгача булган болалар ва усмирладан иборат. Фаргона водийси азолисининг зичлиги жуда катта. Андижонда хар бир квадрат километр майдонга 485 та одам тугри келалади. Бундай демографик холат жамият хаётининг бошка барча сохаларида хам турли муаммоларни келтириб чиқариши табиий.

Ахолининг ёш жихаттан таркибий тузилишини урганиш мамлакатнинг нафакат меҳнат ва ишлаб чиқариш потенциалини аниқлашга балки унинг ривожланиш динамикасини баъзи Овропа ва Япония мамлакатларига нисбатан «ёш» мамлакат хисобланади.

Ахоли таркибини жинсий тузилишини урганиш хам мухим ахамиятга эга. Бу мамлакат ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва иш билан таъминлашда мухим ахамиятга эга. Хотин – кизлар ижтимоий ахолининг узига хос хусусиятлари, уларнинг меҳнат билан бандлиги, меҳнат тури, оилавий турмуш шароити ва шу кабилар акс этади. Уларнинг огир жисмоний меҳнатдан халос этиш масаласи акс этади. Уларнинг огир жисмоний меҳнатдан халос этиш масаласи хозирда энг мухим масалалардан биридир. Совет даврида узбек хотин-кизлари кишлок хужалигида аёвсиз эксплуатация килинди. Натижада уларнинг саломатлиги кескин ёмонлашди. Касалманд нимжон оналардан хеч қачон соглом фарзанд дунёга келмайди. Узбек ёшларининг хар учтадан биттаси хатто харбий хизматга кодир булмай колган эди. Президент И. А. Каримов ташаббуси билан илгари сурилаётган соглом авлод билан курашиш миллат келажagini таъминлашни энг мухим масаласидир.

Ахолининг оммавий таркиби сони, моддий турмуш даражаси, даромади, оилавий муносабатларни ва шу каби масалаларни уз ичига олинади. Оилани озик-овкат ва истеъмол моллари билан таъминлаш муаммолари давлат ижтимоий сиёсатининг асосий максadini ифода этади. Оилавий таркибни социологик махсус сохаси микросоциологияда хам чуқур тадқиқ этиш максадга мувофиқ. Унда иктисодий

психологик жихатларни эътиборда тутиш зарур. Никох муносабатлари, ёлгиз яшовчиларни, оилавий бузилиш сабабларини урганиш ижтимоий таркибини ижобий ривожланишида катта ахамиятга эга.

Оддий бир мисол диний муносабатлар асосида, аввал никох мукаддас саналар эди. Совет тузими даврида диннинг ижтимоий ҳаётдаги мавқеига путир етказилиши ва дахрийликнинг кучаюви оқибатида никох муносабатлари мукаддас деб қаралмай қолди. Натижада оила мукаддаслиги йуқолиб қуйди-чиқдилар қупайди. Бу эса жамиятнинг нафакат иқтисодийга, балки маънавий ахлокий психологик муносабатларнинг барқарорлигига салбий кучаювига олиб қелди. Ёш авлод тарбиясига зарар етказилди. Жамиятда тирик етимлар сони қупайди. Давлат етимхоналарининг сони ортди. Моддий ва бошқа жихаттан таъминланганлигига қарамай уларда тарбияланган болалар оилада, уз ота-онлари бағрида вояга етган болалардан фарқ қилади.

Социологиядан аҳолининг генетик таркибини уқрганиш борган сари моддий ахамиятга эга булмоқда. Унга аҳолининг табиий ва миграцион ҳаракат қиради. Узбек миллати бошқа миллатларга нисбатан уз тугилиб усган жойига қупрок боғланган булади. Айниқса фарғона водиси аҳолисида бундай хусусият қучли. Шунинг учун ҳам водийда аҳоли зич бошқа ҳудудларга нисбатан ортик.

Узбекистонда генетик таркибни урганишда ҳозирча етарли эътибор берилмаган. Унинг ижтимоий демографик муносабатлардаги ахамияти катта.

Ижтимоий демографик муносабатларнинг анқилашда мамлакат микёсида утқазиладиган аҳолини руйхатга олиш муҳим ахамиятга эга. Аҳолини руйхатга олиниши айниқса ҳозирда, бозор муносабатларига утиш даврида юзага қелаётган қуплаб ижтимоий иқтисодий, маиший турмуш соҳаларидаги муаммоларни ҳал этишда жуда катта рол уйнайди. Айниқса, шаҳар муаммоларини ҳал этишдаги ахамияти катта.

Кишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркибий жамият ижтимоий таркибининг муаян булагии ҳисобланади. Кишлоқ аҳолисининг ижтимоий муносабатларининг муҳим белгилари: ягона меҳнат, ер, мулкый бошқарув муносабатларини уз ичига олади. Ҳозирда кишлоқ аҳолисининг таркибида ҳам табақалашув жараён қучаймоқда. Айниқса, кишлоққа саноатнинг қириб қелиши, савдо –сотикнинг ривожланиши ва бошқа омиллар оқибатида кишлоқ аҳолиси турли гуруҳлардан иборат булган ижтимоий бирлик сифатида ривожланмоқда.

МАНЗУ: № 1 ДЕМОГРАФИК ЖАРАЁНЛАРНИ ТУЗИЛИШИ ВА СОЦИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ.

РЕЖА:

1. ЖАМИЯТНИНГ ИЖТИМОЙ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛИШИ.
2. ИЖТИМОЙ ГУРУХЛАР УЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ХАЁТИ ВА МАВКЕИ.
3. СОЦИАЛ СТРАТИФИКАЦИЯ ТУШУНЧАСИ.

Жамият узининг таркибий тузилиши жихатидан узаро чамбарчас боглик булган томонлар табакалар бир бутун ижтимоий тизим таркибидаги нисбатан катта кичик тизимлар ижтимоий гурухлар ва уларнинг уртасидаги содир буладиган ижтимоий муносабатларни уз ичига олади. Уларнинг хар бири уз тараккиёти давомида бирлар бирларига муаян салмокли таъсир курсатади.

Республикамиз жамиятни ижтимоий таркибини социология фани доирасида урганиш энг аввало назарий методологик жихатидан асослашни талаб этади. Хозирги давр социология жамият хаётини урганишда ундаги ижтимоий таркибнинг социологик назарияси булишини талаб килади. Бозор муносабатларига утиш асосланган Гарб социологияси эришган ютуклардан фойдаланган узбекистон жамиятнинг узига хос жихатларини хисобга олиб уларни ишлаб чикиш социология фанининг энг мухим вазифаларидан биридир.

Инглиз социологларидан бири Редклифф Браун жамиятни фволиятидаги тирик организм сифатида караб унинг таркибий кисмини ижтимоий бирликлар функцияси тадқиқотдан ажралмас деб хисоблайди. У жамиятнинг куйидаги таркибий тузилишини бошлангич асос сифатида олиб карайди.

1. Жамиятнинг мавжуд билиши ва яшаш учун унинг аъзолари уртасидаги минимал бирлик билиши зарур. Ижтимоий ходисаларнинг функцияси ижтимоий гурухлар уртасидаги бирликни хамжихатликни яратиш, тутиб туриш ва шунга хизмат килишдан иборат.

2. Шундан келиб чикиб ижтимоий тизимларнинг кисмлари. Элементлари уртасида муносабатларнинг минимал даражасигагача бирлиги ва мувофиқлиги сакланиши зарур.

3. Жамиятнинг хар кандай типи инсон фаолиятининг турли куринишлари ва таркибий жихатларини намроён килади, хамда уларни мувофиқлигини саклаб туради.

Узбекистоннинг кандай ижтимоий гурухлардан тузилганлиги нима учун урганилади? Ижтимоий гурух ва улар уртасидаги содир буладиган муносабуатлар жамият хайитнинг харакатлантирувчи кучидир. Уларнинг харакатсиз жамият ривожу булмайдди. Жамият хаёти ижтимоий гурухлар характерига ва узаро алокадорлигига боглик. Ижтимоий гурухларнинг характерига унинг таркибида яшовчи оила, мактаб, давлат, партиялар,, иктисодиёт, фан, маданият, матбуот, согликни саклаш каби сохаларнинг ривожланиши узгармас равишда булади. Хар

Бир ижтимоий гурух, айрим олинган шахс хам жамият ижтимоий таркибига уз урнига эга булади. Шахс узининг жинсий, ёши ижтимоий келиб чикиши, маълумоти, мутахассислиги, оилавий ахволи миллати ва бошка шу кабилар билан муаян ижтимоий таркибига киради.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби ижтимоий гурухлар, уларнинг ижтимоий хаётидаги уз мавкеи билан фарк килувчи томонлари мажмуасидан иборатдир.

Гарб социологиясида жамият ижтимоий таркиби социал стратификация тушунчаси асосида урганилади. Статификация (лотинча стратум катлам ва фацио бажараман маъносини англатади). Гарб социологиясининг асосий тушунчаларидан бири ва махсус сохаси булиб, жамият ижтимоий таркибининг ижтимоий табакаларига гурухларга ажратилганлигини, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни ифодалайди.

Социал стратификация назарияси хозирги замон социологиясида ижтимоий дифференциянинг мураккаб таркибий тизимларининг урганишда жуда мухим аҳамиятга эга.

Жамиятнинг ижтимоий таркиби турли ижтимоий таркиблар уртасидаги узаро муносабатларни ҳам ифодалайди. Масалан: ижтимоий синфий гуруҳлараро (синфлар, ижтимоий табакалар: катламлар) ижтимоий демографик (ёшлар, урта ёшлар, кексалар, аёллар, эркаклар) ижтимоий профессионал (касбкорига қараб: уқитувчилар, инженерлар, тиббиёт ходимлари, темирчилар...) ижтимоий ҳудудий (минтақа, шаҳар, қишлоқ, ноҳия, маҳалла аҳолиси) шулар жумласидандир.

Жамият ижтимоий таркиби социологиянинг бир йуналиши мамлакат халқ хужалигида банд бўлган ижтимоий гуруҳлар таркибини урганиш ҳисобланади. Аҳоли уй жой билан таъминланганлик даражаси, маиший хизмат турлари, ва уларнинг хизмат курсатиш даражаси, иш ҳақи даражаси қабилар ижтимоий бандлик таркибига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланади.

Соҳа (тармок) йуналишидаги ижтимоий таркибига мутахассислик, таълим даражаси қабиларни аниқлаш назарда тутилади. Унда ижтимоий мавқе номенклатура принципига асосланади. Унда пастдан юқорига қараб фаоллик курсатиш амал қилади унинг ҳар бир даражаси узининг моддий мазмунига эга шунинг учун ҳам қишиларда фаол интилиш хусусияти бўлади.

Мансаб лавозимидан фойдаланиб, уз хизмат вазифасини суистеъмол қилиш ҳолларини ҳаам урганиш муҳимдир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Ёшлар жамиятининг алоҳида ижтимоий демографик гуруҳи ёш авлоднинг оила қуриш ёшлар уртасида шаҳар аҳолиси қишлоқ аҳолиси кекса авлод, авлотдан-авлодга утиб бориш авлод вақиллари, ёшлар билан боғлиқ бўлган муаммолар, ижтимоий иқтисодий муносабатлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ижтимоий гуруҳлар фаолияти.
2. Жамиятдаги ижтимоий гуруҳларнинг турлари.
3. Ижтимоий гуруҳларнинг вазифалари.
4. Доимий ижтимоий гуруҳлар.
5. Вақтинчалик ижтимоий гуруҳлар.
6. Жамиятда формал ва ноформал гуруҳлар.
7. Аҳолининг ижтимоий иқтисодий таркиби.
8. Ўзбекистонда иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар.
9. Аҳолининг ижтимоий демографик таркиби.
10. Аҳолининг миллий таркиби.

АДАБИЁТЛАР:

1. Қаримов И.А. ХХІ аср бусағасида...Т.1997 й.
2. Қаримов И. А. Тарихий ҳоитирасиз келажак йук Т.1998 й.
3. Қаримов И. А. Миллий мафқура халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат қилади. Т. 1998 й.
4. Ўзбекистон ижтимоий жугрофияси. Максудова И. Фаргона 1996 й.
5. Тафаккур журнали 1998 й. 1-2 сон.

**Мавзу: № 2 МУСТАКИЛЛИК ШАРОИТИДА УЗБЕКИСТОН ДЕМОГРАФИК
ЖАРАЕНИДАГИ АСОСИЙ РИВОЖЛАНИШ ТЕНДЕНЦИЯЛАРИ**

РЕЖА:

1. УЗБЕКИСТОН РСПУБЛИКАСИДАГИ ДЕМОГРАФИК ВАЗИЯТНИ УРГАНИШ.
2. УЗБЕКИСТОННИНГ МИЛЛИЙ ТАРКИБИНИНГ УРНИ.
3. УЗБЕКИСТОН АХОЛИСИНИНГ ИЖТИМОЙ АХВОЛИ.

Республикадаги алоҳида демографик вазият уз ижтимоий- иктисодий тараккиет йулини танлаб олиш зарурлигини белгилаб берувчи гоят муҳим хусусиятлардан биридир. Кейинги ун йилликлар мобайнида республика аҳолиси хар йили урта ҳисобда 2,5%дан кўпайиб борди, бу эса иктисодий ўсиш сурътига, иш билан бандлик муаммоларини ҳал қилишга алоҳидаталаблар қўяди. Республика иктисодиети ҳаддан ташқари оғир демографик юкни сезиб турибди. Ўзбекистон ялпи ички Маҳсулот ҳажми жихатдан Сингапур, Иордания, Бирлашган Араб Амирликлари, Ирландия ва шулар қаби бошқа мамлакатлардан ўзиб кетган бўлсада, аҳоли жаҳон жон бошига ҳисобланганда республика, Жаҳон банки маълумотларига қўра, уртача даражадан паст даромад олувчи мамлакатлар жумласига қиради.

Аҳоли таркибида болалар ва усмирларнинг қўлиги ҳам демографик вазиятнинг узига ҳос хусусиятларидир. Маълумки, болалар ва усмирлар давлат томонидан ҳимояга айниқса, муҳтожлар. Аҳолида оила аъзолари сонининг қўлиги Урта Осиё минтасидаги бошқа мамлакатлар қаби Ўзбекистонга ҳам ҳос хусусиятдир. Республикади оиланин уртача сони 5,5 кишидан иборат, бир қанча вилоятларда эса 6 кишидан ошади, ваҳолапки, бу қўрсаткич МДХнинг Европа қисмидаги мамлакатларда 3,2 кишини ташқил этади.

Республика миллий таркибининг узига ҳослиги – унинг фарқлантирувчи хусусиятидир. Этник таркибда тўб аҳоли устун мавқени эгаллайди. Республикади яшаб турган аҳолининг 70 %дан қўпрогини ўзбеклар ташқил қилади.

Бозор муносабатларига ўтишининг уз йулини танлаб олиш аҳолининг тафаккур ва миллий-тарихий турмуш тарзини, халқ анъаналари ва урф-одатларини хар томонлама эътиборга олишга ҳал қилувчи даражада богликдир. Ижтимоий жихатдан уюшиб яшашнинг жамоа шакли Ўзбекистон халқига тарихан ҳос бўлиб, бу унинг анъанавий турмуш тарзи билан чамбарчас богликдир. Бу нарса оила манфаатларнинг устиворлигида, аҳоли ҳаёт фаолиятининг жамоага содиқлигида, маҳалла шаклини авайлаб саклаш ва мустаҳкамлашдагина намоён бўлибгина қолмай, шу билан бирга жамятнинг бутун ижтимоий тузилмасига таъсир қўсатади. Ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташқил қилишнинг амалдаги тизимида мавжуд бўлган қўпгина шакллар ҳам жамоа хусусиятларига эга.

Ижтимоий-муаммоларни ҳал этишда, аҳоли ижтимоий ҳимоялашнинг самарали ва аниқ-равшан тизимини вужудга келтиришда давлат қатга урин тутуди. Соғлом атроф-муҳит шароитида инсоннинг яшаш ҳуқуқини таъминлаш учун қўп жихатдан давлат маъсулдир. Давлат қайта тақсимлаш жараёнларида фаол иштирок эта бошлагунга қадар эркин бозор иктисодиёти ҳамиша ижтимоий кескинликни келтириб чиқараверган.

Аҳолининг муҳтож табақаларини ижтимоий ҳимоялаш сира кечиктириб бўлмайдиган, энг устивор вазифа, амалий ҳаракатларнинг энг асосий қойдаси бўлиб қелди ва шундай бўлиб қолади. Аҳолининг мутлоқ қўпчилиги қашшоқликда қўн кечираётган эди. Аҳолининг демографик таркиби боқимондаларнинг сони қўп бўлишини олдиндан белгилаб қўйган эди. Республика аҳолисининг деярли туртдан уч қисми

узунинг энг зарурий эхтиёжларини хам кондиришга хам кодир эмасди, давлатнинг мададига мухтож эди. Баларнинг хаммаси биргаликда ислохот йулидаги хар бир кадамни ахоли кандай кутиб олишни назарда тутишни, зарур холларда эса, ана шундай кадамни куйишдан олдинахолининг кашшок табакаларини хамда маълум микдорда даромад оладиган шахсларни олдиндан химоялаш юзасидан самарали чора тадбирлар куришни талаб килар эди. Бундай шароитда кучли ижтимоий кафолатни вужудга келтирмай туриб утказилган ислохот барбод булиши мукаррар эди.

Ижтимоий сиёсатнинг амалга оширишда сифат жихатидан янги боскич, ижтимоий химоялаш, воситасини чукурлаштириш, уни узгариб бораётган шароитларга зарурияти чинакам етилди.

Шундай бир восита зарурки, бунда ахолининг турмуш даражаси ишончли равишда химоя килинган, турли хил агдар-тунтар вва ларзалар таъсиридан кафолатланган булиши лозим.

Энг аввало, бундан буён ахолини ижтимоий химоялаш, колаверса, умуман одамларнинг фаровонлигини тахъминлаш борасидаги тадбирлар амалга ошириладиган манбаалар масаласини яхшилаб уйлаб куриш зарур. Бозор муносабатларига ута борилгани, меҳнаткашларнинг узларига ва хужалик юритувчи субъектларга купрок иктисодий эркинликлар берилди борилгани сари давлат мухофазага оид ваколатларни мукобил тузилмаларга топшириши лозим.

Ахолини ижтимоий химоялаш, одамларнинг моддий ахволини яхшилаш вазифаларини хал килишда давлат манбалари билан бир каторда меҳнат жамоаларининг жамоат ва хайрия ташкилотларининг «Навруз», «Махалла», «Меҳр-шавкат» хамда бошқа жамгармаларнинг фаол ишга солинмоги лозим.

Бунинг маъноси шуки, пенсия таъминоти, талабаларга, куп болали мухтож оилаларга хак тулаш тизимида уларнинг турмуш даражаси бюджет воситасида ва давлат кафолати йули билан хам, шунингдек, турли хайрия жамгармалари, корхоналар, ташкилотлар ва хужаликларнинг жамгармалари оркали хам куллаб – кувватланишини мустахкамлаб куйилиши керак.

Ижтимоий химоялаш аник максадни кузлаган ва уз эгасига йуналтирилган булиши керак. Ахолининг турли катламларига алохида алохида ёндоштш-ижтимоий мухофаза янги тизимнинг узига хос хусусияти булиб колмоги лозим.

Бу борада, аввало, асосий озик – овкат махсулотларининг нархларига дотация беришдан воз кечиш талаб этилади. Мавжуд тизимда давлат бюджетдан ажраётган жужа катта маблаглар унга хаммадан кура купрок мухтож булганларгагина етиб бормасдан, балки бутун ахоли уртасида таркалиб кетмокда, Бу холда ижтимоий химоялаш тадбирларининг самараси кузга куришмай колди.

Ахолининг куллаб-кувватлаш аввалгидек ижтимоий сиёсатнинг устувор йуналиши булиб колаверади, бироқ у маълум йуналишдаги сиёсат тусини олиши лозим.

Иктисодий жихаттан фаол ахолига келганда шуни айтиш керакки, унинг учун давлат меҳнатни рағбатлантиришнинг кучли воситасини жорий этиш хисобига бу табаканинг меҳнат ва ижодий имкониятини тулик даражада руёбга чикариш учун шарт-шароитлар яратиб бериши керак. Меҳнатдан манфатдорликни кучайтириш, меҳнат хаки, уни табакалаштириш даражаси меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини устириш билан чамбарчас богликлиги масалаларини юкоридагилар билан боглик холда хал этиш зарур. Рубилнинг харид куввати ва кадри тушиб кетганлиги сабабли шу вақтга кадар ушбу муаммони хал этиш мумкин эди. Молиявий ахвол баркарорлашган шароитидгина уни хал килиш мумкин.

Дотация эмас, балки эркин харакат килиш имкониятини бериш пайти келди. Хар бир корхона мустакил хужалик фаолияти натижасида уз ходимларига меҳнатига яраша хак тулаш имкониятини топиши лозим.

Ахолини ижтимоий химоялаш чора тадбирлари тизимида реал меҳнат бозорини шакллантириш, меҳнатга лаёкатли хар бир кишига уз меҳнати билан

оиласининг турмуш даражасини яхшилаш имконини берадиган шароитни яратиш асосий уринлардан бирини эгаллайди.

Бозор муносабюатларига утиш даврида ижтимоий соҳа- соғликни сақлаш, таълим, маданият, ва санъат, шунингдек илм-фан айниқса мушкул ахволга тушиб қолади. Биз учун маънавий, тарихий ва маданий кадрлар, аҳолининг маънавий, ахлоқий ҳолати, ёш авлодни тарбиялаш, энг асосий устивор вазифа булиши лозим. Шунинг учун ҳам биз халқнинг маънавиятига зарар етказган ҳолда маблағни тежай олмаймиз. Ҳозирги мураккаб даврда мазкур тармоқларни ишончли тарзда қўллаб-қувватлаш, уларда ишловчи кишиларнинг меҳнатига муносиб баҳо бериш, уларни қучли ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг ижодий имкониятларини намоён этиш учун шартлар шароит яратиш талаб қилинади.

Биз янги уй қурмай туриб, эскисини бузмайлик, деганимизда барпо этилаётган янги жамият учун эски тизимнинг фойдали жиҳатларини сақлаб қолиш зарурлигини назарда тутамиз. Бошқа мамлакатлар учун ижобий тажриба тупланган. Манашу ютуқлардан воз кечишнинг, ташқаридан киритилган ижтимоий андозаларни қўриқиб кўришишнинг мутлоқ ҳолати йўқ. Бутун ижтимоий соҳани тўдан ислоҳ қилиш, унинг моддий – техника негизини мустаҳкамлаш замонавий ускуналар билан жиҳозлаш, ижтимоий тармоқлар мажмуи ходимларнинг касб маҳоратини ҳамда меҳнати самарадорлигини ошириш учун қудратли иқтисодий омилларни вужудга келтириш ва шу асосда аҳолини ижтимоий хизматлар билан таъминлашни сифат жиҳатидан қўтариш зарур эканлиги шубҳасиздир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Демографик вазият, аҳолининг миллий таркиби, аҳолининг ижтимоий аҳоли, этник таркиб, аҳолининг ижтимоий ҳимоялаш, яшаш ҳуқуқини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш, ижтимоий сиёсатни амалга ошириш, молиявий аҳолини барқарорлаштириш, меҳр-шавкат ва хайрия жамғармалари.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ижтимоий гуруҳлар фаолияти.
2. Ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари.
3. Ижтимоий гуруҳларнинг манфаатлари
4. Доимий ижтимоий гуруҳлар
5. Ижтимоий гуруҳларнинг турлари
6. Жамиятнинг сиёсий узгаришлари
7. Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш.
8. Неча ёшгача аҳоли гуруҳи болалар ҳисобланади.
9. Демографияда эса неча неча ёшдан тушунилади.
10. Аҳолининг неча ёшгача бўлган қисми болалар ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР.

1. И.А.Каримов Ўзбекистон буюк келажак сари, Ўзбекистон 98й.
2. Максудов.И.Ўзбекистон ижтимоий жугрофияси Фарғона 96й.
3. К.Юнусов Социология Андижон 97 й.
4. Бегматов Социологияга кириш 95 й.

МАВЗУ: № 3 ШАХАР ВА КИШЛОКНИНГ ДЕМОГРАФИК ХОЛАТИНИ УРГАНИШ.

РЕЖА:

1. ШАХАР ДЕМОГРАФИК ХОЛАТИНИ УРГАНИШ
2. КИШЛОК ДЕМОГРАФИК ХОЛАТИНИ СОЦИОЛОГИК УРГАНИШ
3. ШАХАР ВА КИШЛОК УРТАСИДАГИ ТАФОВУТЛАРИНИ ТАХЛИЛ КИЛИШ.

Социология фани укиртишда шахар ва кишлок социологияси махсус соҳа сифатида муҳим урин тутиб, унда шахар ва кишлок ҳаёти, уларнинг мавжуд ижтимоий муаммолари ва бу муаммоларни ҳал этиб бориш йуллари урганилади. Масалага бундай ёндаштиш, ҳозирги давр ёшларида узлари яшаб турган жойларга нисбатан меҳр муҳаббат, эъзоз, унинг мавжуд муаммолари билан кизикиш ҳосил қилади. Уз юрти, яшаш жойи билан гурурланиш, фахрланиш ҳиссини шакллантиради. Бунга мисол сифатида Президент И.А.Каримовнинг «Туркистон» саройи сузлаган нуткидан қуйидагиларни келтиришимиз мумкин: «Бундай обидалар каттаю кичикда ватанни фахрланиш туйғусини шакллантиради, бундай саройлар Ватан шаъни ва шухрати учун қурашувчи истиклолни ҳамма муқаддас биладиган соғлом авлодни тарбия этувчи масканга айланади».

Бозор муносабатларига утиш шароитида шахар ва кишлок ижтимоий ҳаётининг ривожланиш масаласи, бу борадаги давлат сиёсатини урганиш социология фанининг муҳим тадқиқот вазифаларига қиради.

XX аср бошларида социологияда жамият аъзоларининг ижтимоий ҳудудий бирликларга бўлиниши билан боғлиқ шахар ва кишлок махсус социологик соҳа вужудга келди. Бу соҳанинг вужудга келишига асосий сабаб, жамият аъзоларининг ижтимоий-ҳудудий бирликларга бўлиниши билан боғлиқ шахар ва кишлок ҳаётининг узига ҳос хусусиятлари-тарихий, азалдан давом этиб келаётган анъаналари, аҳолисининг удумлари, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлари, меҳнат фаолиятининг узига ҳослиги, тақсимоти, турмушдаги, қадриятлардаги, узаро муносабатлардаги қарашлар ва шу қаби масалаларни илмий асосда урганиш зарурияти бўлди. Шахар билан кишлок узаро иқтисодий шарт-шароити, тарихан шаклланган меҳнат тақсимоти ва шундан келиб чиқадиган халқ ҳужалигининг тарикбий узига ҳос тузилиши билан, илмий маданий тараққиёт даражаси билан фарқ қилади.

Шахар социологияси-социология фанининг махсус ижтимоий ҳудудий бирлик сифатида узига ҳос типларга ажратган ҳолда, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши, таркибий тузилиши, турмуш тарзи. Табиати, бозор муносабатлари шароитида юзага келаётган ижтимоий муаммоларни урганади. Ҳозирги замон шахарлари кишлокка нисбатан кичик ҳудудда аҳолининг зич жойлашганлиги, узига ҳос архитектураси, режали қурилган қурилиш комплекслари, ҳашаматли бинолари, сиёсий-маъмурий марказ сифатида маданий-илмий жихатдан устунлиги билан ажралиб туради, мустакиллик шарофати билан аййникса, вилоят шахарларига эътибор қўйди. Йирик, урта ва кичик қўшма саноат қорхоналари вужудга келиб, узига ҳос савдо ва саноат марказлари сифатида ривожланмоқда. Университетлар ташкил топиши муносабати билан илмий-маданий ҳаёт янада жонланди. Бозор муносабатларининг ривожланиши билан боғлиқ равишда Республикаимизнинг қўлаб шахарлари йирик савдо марказларига айланмоқда.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Қўқон, Андижон, қаби қўшма тарихий обидаларга бой шахарларнинг жаҳон миқёсидаги давруги янада ортмоқда.

Шахар социологияси-социология фанининг махсус соҳаси бўлиб, унда шахарларнинг умумий, хусусий, узига ҳос ривожланиш ва функционал қонунлари, хусусиятлари ва муаммолари урганилади. Шахар социологияси

муаммоларига куйидагилар киради: бозор муносабатлари шароитида шаҳар ривожланишига таъсир курсатувчи асосий омиллар, шаҳар аҳолисининг ижтимоий таркиби, турмуш тарзи, маданият даражаси, ижтимоий-иқтисодий фаолияти, аҳоли уюшishi ва у билан боғлиқ ижтимоий муаммолар, иш билан таъминланганлиги, бандлиги, илмий-маданий ҳаёт, хизмат курсатиш даражаси ва турлари унинг сифати, экологик вазият, шаҳарни ижтимоий ривожланишидаги бошқарув усулини урганиш, жинойтчилик даражаси ва бошқалар.

Шаҳар социологиясининг вужудга келишига Э. Дюркгейм, М. Вебер, Г. Зиммель, О. Шпенглерлар асос солганлар. Шу соҳа буйича М. Вебернинг 1905 йилда «Шаҳар» номли китоби чоп қилинган. Э. Дюркгеймнинг «Ижтимоий меҳнат тақсимооти тугрисида» асари шаҳар социологиясини шаклланишида муҳим роль уйнайди. Ф. Г. Гиддингс эса 1898 йилда ёзган, «Социология асослари» асарида шаҳар социологиясининг асосий муаммоларини курсатиб берган. Жумладан у уз асарида «шаҳарда цивилизациянинг хайратда қолдирадиган барча зиддиятли жиҳатлари борган сари қучаймоқда» - деган фикри ҳозирги давр шаҳарлари учун ҳам характерлидир.

Шаҳар социологиясининг ривожланишида гарб социологларидан Р. Парк, Э. Бёрджесс, Л. Вирт, Ч. Тилли, марксистик социология вакилларида эса Н. А. Аитов, М. Н. Межевич, О. Н. Яницкийларнинг хизмати катта бўлди.

Марказий Осиё мутафаккирларидан Абу Наср Форобий X аср бошлариданок шаҳар давлати муаммоларини таҳлил қилиб берган эди. У узининг «Фозил шаҳар аҳли қарашлари ҳақида китоб»ида: «баъзи шаҳарлар буладик, уларда бутун халқнинг фикри-зикри, ақл-идроки бойлиқ туплаш, мол-дунё орттиришга қаратилган булади. Улардан чиққан раҳбарлар ҳам Социологиянинг бу соҳаси юқорида курсатилган муаммоларни таҳлил қилиш билан бир қаторда шаҳар аҳолисининг шарқна ананалари, байрамлари ва урф одатларини, кадриятларини урганишни уз ичига олади. Шунингдек ҳозирда, шаҳар аҳолисининг узаро муносабатларини, меҳр оқибат даражасини кам таъминланган ва ёрдамга муҳтож табақага ҳар жиҳатдан ёрдам курсатиш даражасини урганиш долзарб масала бўлиб қолмоқда. Уларни урганишда шаҳар маҳаллаларида кичик даҳаларда, янгидан тикланаётган гузарларда олиб борилаётган хайрли ишларни курсатиш муҳимдир. Кишлоқ социологияси-ижтимоий ҳудудий бирлик сифатида кишлоқнинг узига ҳос ривожланиш ва функционал қонунларини урганади. Кишлоқ социологияси-кишлоқнинг ижтимоий-иқтисодий табиати, экологик ҳолати, кишлоқ ҳаёти ва унинг ривожланишига таъсир курсатувчи асосий ижтимоий омиллар, аҳолисининг ижтимоий ва касбий таркиби, фаолият таркиби, турмуш тарзи, маданият даражаси бошқарув тизими ва унинг фаолият даражаси муаммоларини урганишни уз ичига олинди.

Кишлоқ социологияси-XX асрнинг 20-30 йилларда шаклланди. Гарб социологиясида П. Сорокин, К. Циммерман ва К. Гелпинлар дастлабги тадқиқотлар олиб борганлар.

Шаҳардан фарқ қилиб, кишлоқ ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кам тарақий қилганлиги аҳоли турмуш даражасининг нисбатан пастлиги, меҳнат фаолияти турларининг камлиги, маданий-маиший ва илмий даражасининг нисбатан кам тарақий этганлиги билан характерланади. Президентимиз И. А. Каримов таъкидлаганидек, - «Оддий қамунал қулайликлардан маҳрум бўлган кишлоқлар ва бўлинмалар ҳали ҳам кам эмас. Бу адолатсизликни гоёт қисқа муддатда бартараф этиш керак».

Ўзбекистонда аҳолининг 40,3 % шаҳарларда, қарийб 60 % га яқини эса кишлоқларда истиқомат қилади. Кишлоқда 6,5 млн. меҳнатга лаёқатли аҳоли иш билан банд. Улар асосан кишлоқ ҳужалиги ишлари билан шугулланадилар. Кишлоқ аҳолисининг ижтимоий таркиби жамият ижтимоий таркибининг муайян бўлаги ҳисобланади. Кишлоқ аҳолиси ижтимоий муносабатларнинг муҳим белгилари: ягона меҳнат салмогининг ортиқлиги, ер, мулкӣ ва бошқарув муносабатларини уз ичига олади.

Шахар аҳолисига нисбатан кишлок аҳолиси узаро ижтимоий муносабатларнинг жипслиги, ижтимоий уз-узини назорат қилишни кучлилиги билан ажралиб туради.

Хозирда бозор муносабатларининг таркиб топиб бориши жараёнида, кишлок аҳолисининг таркибида ҳам дифференсация жараёни кучаймоқда. Айниқса, кишлокка саноатнинг кириб келиши, кичик қушма қорхоналарнинг вужудга келиши, савдо сотикнинг ривожланиши, фермер хужалигининг пайдо бўлиши, ва бошқа шу каби сабаблари оқибатида кишлок аҳолиси турли гуруҳлардан иборат бўлган ижтимоий-худудий бирлик сифатида юксалмоқда.

Республика ҳукуматининг хозирда олиб бораётган сиёсати кишлок хужалиги билан боғлиқ оғир қул меҳнатини бартараф этиш, моддий техника таъминотини юксалтириш, маданий-маиший хизмат турларини сифат даражасини ва уларни ошириш, меҳнат шароитини яхшилаш, саноатини, савдони ривожлантириш, ортиқча иш кучини бошқа соҳаларни ташкил қилиш орқали бартараф этиш ва шулар асосида кишлок аҳолисининг турмуш даражаси ва сифатини кутаришга қаратилган.

Бозор муносабатларига ўтиш муносабати билан кишлок ижтимоий иқтисодий сифат даражасига эришилмоқда. Мулкчиликнинг турли шакллари вужудга келиши давлат томонидан махсус имтиёзларга эга бўлган кичик қорхоналар, ҳатто чет эл фирмалари билан ҳамкорликда ташкил топаётган қушма қорхоналар, кишлок мулкдорлар табаксининг шаклланаётганлиги – буларнинг барчаси кишлок ҳаётининг ижтимоий бир хилликдан ҳалос бўлишга олиб келмоқда. Уларни илмий асосда урганиш, мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва тегишли ҳулосалар чиқариш, илмий амалий таклифлар ишлаб чиқиш кишлок социологияси олдида турган муҳим вазифалар жумласига қиради.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Шахар ва кишлок социологияси, махсус социологияси, ижтимоий муаммоларни ҳал этиш, жамият аъзоларини ижтимоий ва худудий бирликларга бўлиш, ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжлар меҳнат фаоллиги, таксимоти, турмуши, кадриятлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Шахар ва кишлок демографик гуруҳлари.
2. Шахардаги демографик гуруҳларни урганиш.
3. Шахар ва кишлок ижтимоий ҳаёти.
4. Кишлок ҳаётининг хусусиятлари.
5. Шахардаги ижтимоий гуруҳлар.
6. Шахар ва кишлокнинг ижтимоий иқтисодий шароитлари.
7. Шахар аҳолисининг таркиби.
8. Кишлок социологиясининг шаклланиши.
9. Кишлокдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёт.
10. Шахар ҳаётининг таҳлили.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари», Ўзбекистон 1998
2. Максудов И. Ўзбекистон ижтимоий жугрофияси. Фаргона 1996
3. А. Бегматов социологияга кириш. 1995
4. С. Алиқориев Умумий социология Т, 1999

МАВЗУ: № 4 ЁШЛАРНИ ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА УРГАНИШ.

РЕЖА:

1. МУСТАКИЛ УЗБЕКИСТОННИНГ ЁШЛАРГА ЯРАТГАН ШАРОИТЛАР.
2. ЁШЛАРНИНГ ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ОЛИШДАГИ ФАОЛИЯТЛАРИ.
3. БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА УТИШ ДАВРИДА ЁШЛАРНИНГ ФИДОЙИЛИГИ.

«Ёшларга миллий ватанпарварлик руҳида таълим тарбия бериш, улар хақида гамхурлик килиш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан бири ҳисобланади».

1996 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси аҳолиси 23 млн.дан ошиб кетди. Аҳолининг 50 % га яқини 18 ёшгача болалар ташкил этади. Шундан 9,6 миллиони 16 ёшгача ташкил қилади. Ушбу келтирилган статистик маълумотлардан қуриниб турибдики ёшлар билан боғлиқ болган масалалар жамият ҳаётида нақадар жиддий ва долзарбдир.

Бозор муносабатларига утиш даврида ёшлар билан боғлиқ болган муаммолар янада қулай ва қескинлашиб бормоқда. Уларни урганиш, таҳлил қилиш ва керакли зарур илмий амалий тақлифларни ишлаб чиқиш, мавжуд шарт шароитларни ҳисобга олган ҳолда янги ҳаёт шартлари талаб қилади. Чунки бир томондан социализм даврида бунёд этилган ижтимоий иқтисодий муносабатларга асосланган ижтимоий қарашлар ҳали тула шаклланиб йук.

Юқоридаги фикрлардан шуни аниқлаш мумкинки ёшлар билан боғлиқ болган барча муаммоларни илмий амалий жиҳатдан урганувчи ёшлар социологиясининг жамият ҳаётидаги аҳамияти нақадар катта.

Ёшлар социологияси XX асрнинг 20 йилларида Олмонда, АКШда ва Францияда шаклланиб, 1928 йилда К. Мангейвнинг «Авлод муаммоси» асари босилиб чиқди. Бу асар ёшларнинг социологик муаммолари илмий асосда урганган дастлабки асарлардан эди.

XX асрнинг 60 йилларидан ёшлар муаммоларини таҳлил қилишга ва ечишга қаратилган асарлар қўлаб қўйилиб бошланди. Олмонда ёшлар мияси буйича Г. Шельскийнинг «Скептик авлод» (1957), Ф. Тенбрукнинг «Ёшлар ва жамият» (1962); Венадаги социологик институт директори Л. Розенмайрнинг «Эмпирик социал тадқиқот буйича қўлаб қўйилган» (1969), Америка социологи Д. Кембелнинг «Социализация буйича справочник» (1969) Америка социологи С. Эйзенштадтнинг «Авлоддан-авлодга» (1966) асарлар ёшлар социологиясининг кенг ривожланишига таъсир қўрди.

Ҳозирги давр ёшлар социологияси доирасида ёшлар ҳаётининг илмий социологик урганишнинг асосий тамойиллари қўйилганлардан иборат:

1. Ёшлар муаммосини урганишда тарихий ҳаёт шартлари лозимлиги. Ёшларнинг ижтимоий қарашларига ҳуқуқ қўлаб қўйилиш ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этишда муайян тарихий давр, шарт-шароитларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб баҳо қўйилиш талаб қилинади. Масалан ҳозирда шаклланиб келаётган бозор муносабатлари шакллари шароитида ёшларнинг ижтимоий қарашлари, қўлаб қўйилишлари ва юзага келаётган муаммолар аввалги давр ижтимоий иқтисодий тузумдагига нисбатан ўзгариб янги ҳаёт шартлари ва хусусиятларга эга бўлмоқда.
2. Ёшларнинг ўзига хос турмуш-тарзини таҳлил қилиш ва урганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт қўлаб қўйилиш тарзи ва унинг ривожланишини назарий ва эмпирик жиҳатдан урганиш.
3. Ёш авлодни ҳар жиҳатдан ривожланиб боришини таҳлил қилиш. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитни муҳитни ўзгариши оқибатида авлодлар ўртасида доимо муайян ривожланиш рўй беради. Шу сабабли кекса авлод билан ёшлар ўртасида ўзаро қўлаб қўйилиш бўлмоқда. Қўлаб қўйилиш ёшларнинг манфаат ва

кизикишлари фаолияти ташки куруниши (мода) кекса авлодда норозилик эътироз тугдиради.

4. Ёшларга табакавий жихатдан ёндашиш. Бу методологик тамойил ёшларни турли табакалардан иборат гурухларга ажратиб урганишни билдиради. Бозор муносабатларининг таркиб топа бориши билан ёшлар уртасида ҳам табакаланиш кучайиши табиийдир. Хозирданок уларнинг турли ижтимоий табакаларга ажралаиш жараёни руй бермокда. Бир томондан, жамият ижтимоий ривожланишига салмокли таъсир курсатувчи ёшлар гурухлари: талабалар, ёш олимлар, ишчилар, фермерлар, ишбилармон ёшлар, санаткорлар, савдогар ёшлар каби гурухлар салмоги ортиб бораётган булса иккинчи томондан эса, ишсиз ёшлар бекорчи саёк, гиёхванд жиноятчи каби ёшлар жамият хаётида салбий дисфункционал ахамият касб этмокда. Хозирда Республика жиноятчиликнинг 85 % га якини 25 ёшгача булган ёшлар томонидан содир килинаётганлигини эътиборга олсак, ёшлар социологиясининг жамият хаётида накадар катта ахамият эканлигини англаш мумкин.

Социологияда ёшлик болалик давридан сунг улгайиш давригача бир неча боскичларга ажратиб курсатилади. Масалан ёшликнинг дастлабки, куйи чегараси 14-16, юкори чегараси эса 25-30 ёшларни уз ичига олади. 20 ёшгача булган ёшларда асосий муаммо, уларнинг касб танлаши маълумот олиши ва хаётга мустакил кадам куйиши билан боглик муаммоларни уз ичига олади.

Социологиянинг бу махсус назарияси жамиятнинг барча ижтимоий сохаларидаги ёшлар билан боглик булган муаммоларни урганади. Жамиятнинг ижтимоий иктисодий шарт шароити ва ёшлар муаммоси; халк хужалиги, фан ва маданиятнинг ёш мутахассис кадрларга булган эхтиёжи; таълим тизими ва ёшларнинг мустакил мехнат фаолиятига тайёрлаш; демографик жараёнлар ва ёшларни иш билан таъминлаш; ёшларнинг маълумот олиши ва касб танлаши муаммоси; ёшларнинг касб танлаши ва социал мобиллик; ёшларнинг касб танлашда миллий, худудий ва минтакавий хусусиятлар; ёшларни маълумот олиш имкониятларини олдиндан хабар бериш; ёшларда мехнат малакасини шакллантириш масалалари; шахар ва кишлок ёшлари хаёти; ёшларнинг турмуш даражаси каби масалалар шулар жумласидандир. Ушбу муаммолар буйича эмпирик ва назарий жихатдан социологик тадкикоталиб бориш, уларнинг статик ва динамик хусусиятларини урганиш мухим хисобланади.

Ёшлар социологиясининг узига хос кийин мураккаблиги ҳам унинг куп кирралигидадир. Айникса бозор муносабатларига утиш жараёнида ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси долзарб масалалардан биридир. Бу муаммони хал этиб борилиши ёшлар билан боглик булиб куплаб масалаларнинг ечимини топишга сезиларли таъсир курсатади. Бу борада, вилоятларда ёшларни иш билан таъминлаш борасида «Уста ва шогирд» тизими асосида куплаб ишлар килинмокда, бундай асосий максад ёшларни миллий хунармандчиликка, кадриятларга, ананаларга хурмат ва эъзоз билан муносабатда булиш хиссини ошириш хамда узларини моддий жихатдан таъминлашдан иборат.

Янги ижтимоий иктисодий муносабатларнинг таркиб топиб бориши айникса ёшларнинг ижтимоий карашларида жиддий узгаришлар руй бермокда. Шунинг учун, ёшларнинг келажак хаёти режаларини, уларнинг кизикишларини аниклаш максадида эмпирик социологик тадкикотлар утказиш ва назарий хулосалар чикариш ёшлар социологиясининг асосий вазифаларидан хисобланади.

Ёшлар келажак хаётини режалаштириш энг аввало оиладан бошланади. Бу жихатдан ёшлар социологияси оила мияси билан узвий боглик.

Ёшларнинг касб танлаши, иш жойларига эга булишини ишлаб чикаришнинг интенсив равишда ривожланиши ва юксак технологик такомиллашуви жараёнида куп жихатдан таълим тизимининг сифат даражасига боглик. Бу жихатдан эса ёшлар социологияси таълим, илм-фан социологияси билан якин алокададир.

Президентимиз И. А. Каримов узининг катор узининг катор асарларида, сузлаган нуткларида хозирги даврда, мамлакатимизда ёшларга оид катор муаммоларини курсатиб утган.

Мамлакатимизда ёшларнинг уз келажагини куриш учун кенг имкониятлар очилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларнинг меҳнат килиш, касб танлаш ва маълумот олиш ҳукуқи кафолатланган. Ёш мутахассислар давлат бошқарувининг масъулиятли ишларига купрок жалб этилмоқда. Айниқса, иктидорли ёшларга алоҳида эътибор берилиб, уларнинг фаолияти мавжуд иктосид кийинчиликларга карамасдан моддий ва маънавий жихатдан куллаб-қувватламоқда. Аммо, ёшлар билан боглик муаммоларни хал этиш буйича олиб борилаётган ишларни етарли даражада деб булмайти.

Ёшлар тугрисида ҳукуматнинг муайян, изчил, илмий жихатдан асосланган, хаётий ва ижтимоий йуналтирилган давлат дастури булмоги зарур. Бу сиз жамият хаёти келажагини тугри тасаввур килиб булмайти бу борада ёшлар социологияси билан шуғулланувчи мутахассислардан жуда катта ва фаоллик талаб килинади.

Хозирда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар доирасида ёшларнинг таълим-тарбияси оркали эришиладиган ижтимоий истикболи, энг аввало, ижтимоий ишлаб чикаришдаги меҳнат фаоллигини таъминлаш оркали уларнинг эхтиёжларини ва манфаатларини кондириб бориш даражасига богликдир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Жамиятни ижтимоий таркибий тузилиши, ижтимоий гуруҳлар. Ижтимоий хаётий ва мавкеи жамиятни таркибий тузилиши, табиатни мавжуд булиши ижтимоий тизимлар инсон фаолиятининг турлари, ижтимоий гуруҳ улар уртасидаги муносабатлар гарб социологияси социал стратификация («Стратем» катлам ва «фацио» бажараман).

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Аҳолини ижтимоий таркиби.
2. Аҳолининг ёш таркиби.
3. Аҳолини ёш ва жисмоний таркиби.
4. Аҳолининг биологик ва календар ёшлари.
5. Демографик тарихи.
6. Прогрессив ёшлар таркиби.
7. Стационар ёш таркиби.
8. Регрессив ёш таркиби.
9. Ижтимоий демографик .
10. Демографик гуруҳларни хусусиятлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Каримов «Ўзбекистон буюк келажак сари» Уз.1998
2. Пулатов И. «Демография» Т. 1994
3. Максудов И. «Ўзбекистон ижтимоий жугрофияси» Ф.1996
4. «Тафаккур журнали» 1998 йил 1-2 сонлари
5. К. Юнусов «Социология» Ан. 1997

МАНЗУ: № 5 ЁШ ОИЛАЛАРНИ ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА УРГАНИШ.

Р Е Ж А:

1. УЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ ДЕМОГРАФИК ХОЛАТИ ВА ОИЛА.
2. УЗБЕКИСТОН ОИЛАЛАРИДА ФАРЗАНДЛАР САЛМОГИНИНГ АХАМИЯТИ.
3. УЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА СОГЛОМ АВЛОДНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА ОИЛАНИНГ РОЛИ.

Ёшлар жамиятининг алохида ижтимоий-демографик гуруҳи ҳисобланиб, бу гуруҳга 16-19 ёшдаги аҳоли қиради. Жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тараккиётида ёшлар алохида аҳамиятга эгадир.

Чунки ёш авлод жамиятнинг ижтимоийлар демографик тизимини янгилаб туради. Аҳоли сонининг узлуксиз қупайиши, янги оилаларнинг ташкил топиши асосан ёшларга боғлиқдир. Айниқса, Ўзбекистон қаби аҳоли сонида ёшларнинг салмоғи юқори бўлган давлатларда ушбу гуруҳни атрофлича урганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Статистик маълумотларга қараганда аҳолининг туртдан бирини ёшлар ташкил қилади. Аҳолининг салмоғида ёшларнинг қуплиги асосан анъанавий қуп болалиқ туфайлидир. Бу ҳол аҳоли микдорининг ошиб боришига таъсир қурсатиб, ёшлар салмоғининг кескин равишда ушиб олиб келади.

Маълумки, Ўзбекистон дунёдаги тугилиш даражаси юқори бўлган давлатлардан бири ҳисобланади. БМТнинг маълумотларига қараганда кейинги 5-6 йил мобайнида (1990-1996 йилларда) дунё бўйича ҳар минг кишига нисбатан тугилган болалар сони уртача 25-26 нафарни ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу қурсаткич 28-29 нафарни ташкил этди. Ўзбекистонда тугилишнинг бундай юқори ҳолда сақланиб келаётганлиги, мутахассисларнинг қурсатишича, мамлакатнинг иқтисодий ижтимоий тараккиёт даражаси, аҳолининг, айниқса аёлларнинг маълумоти, уларнинг ижтимоийишлаб чиқаришда бандлиги, қуп болалиқни қуллаб қувватловчи кадриятлар ҳалқимиз орасида сақланиб келаётганлиги, давлатнинг демографик сиёсати аёл ва фарзанд саломатлигига қаратилганлиги қаби қатор омилларга боғлиқдир.

Лекин шуни алохида қайд этиш керакки ўзбекистонда кейинги йилларда тугилиш сурати қамайиб бормоқда. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги маълумотларга мурожаат этамиз: 1990 йилда мамлакатимизда ҳар минг кишига тугилган болалар сони уртача 33,7 нафарни ташкил этган бўлса, 1995 йил бу қурсаткич 29,8 нафарни ташкил этди, бошқача қилиб айтганда анашу даврда тугилган болалар сони 13 %га қамайган. Бу ҳол асосан 35-40 ёш гуруҳидаги оилаларда фарзанд қуришнинг қисқариб қетиши ҳиссобиға қуй бери. Улкамизда тугилишнинг қамайиб бориши оилада бешинчи, олтинчи, еттинчи ва ундан кейинги фарзандлар тугилишининг қамайиб боришида ҳам яққол қузатилади. Масалан, 1970 йилда Ўзбекистонда жами тугилган болаларнинг 49,5 %ни оилада 5, 6, 7 ва ундан кейинги бўлиб тугилган фарзандлар ташкил этган бўлса, бугунги қунга қелиб, бу қурсаткич деярли беш баробарга қамайди.

Ҳозирги даврда тугилаётган болаларнинг асосий қисмини оилада биринчи, иккинчи, учинчи бўлиб тугилган болалар ташкил этмоқда. Ана шу тугилаётган болаларнинг 79-80 % 16-29 ёшдаги оналарға тугри қелади. Бу ҳол мамлакат демографик тараккиётида ёшларнинг ҳиссаси ниҳоятда юқори эканлигидан қалолат беради. Айниқса 10-15 йил мобайнида тугилишда 20-24 ва 25-29 ёшдагиларнинг улуши ортиб бормоқда. Масалан, 1980 йилда ҳар 1000 нафар 20-24 ёшдаги аёлларға нисбатан тугилган болалар сони 273,6 нафани ташкил этган бўлса, 1995 йил бу қурсаткич деярли 300 нафарни ташкил этди; 25-29 ёш гуруҳлардаги аёлларда эса мос равишда 272,5 ва 295 нафарни ташкил этди.

Мирзо Улугбек номли Тошкент давлат университети аҳолишунослик илмий тадқиқот лабораторияси ходимлари Тошкент, Сирдарё, Жиззах, Самарканд, Наманган, Қашқадарё, Сурхандарё, Бухоро вилоятларида истикомат этувчи аҳолининг турли ижтимоий-демографик гуруҳлари, шу жумладан ёшлар уртасида 1996 йилда демографик тадқиқотлар утқаздилар. Тадқиқотнинг оилага ва оилада фарзандлар сонига булган муносабатларини урганишдан иборат эди. Мадомики, мамлакатнинг демографик ҳолати асосан ёшларга боғлиқ экан, уларнинг оилага ва оиладаги фарзандлар сонига булган муносабатлари хақида. Тадқиқотда катнашган ёшларга «Ҳаётингиздаги асосий максатингиз нима?» деган савол билан мурожаат қилинганда, уларнинг деярли ҳаммаси «Оила қуриш», «Фарзанд қуриш» деган жавобни бердилар. Иқтисодий тараккий этган давлатларда истикомат этувчи ёшларнинг оила хақидаги фикрларидан анча фарқ қилади. Масалан Польшада мутахассислар томонидан утқазилган социологик демографик тадқиқотлар 14-16 ёшли усмирларга «Сиз келажакда оила қурасизми?» деган савол билан мурожаат қилинганда, бу саволга тадқиқотда катнашган ёшларнинг 60-69 % яшаш учун оила қуриш шарт эмас қобилида жавоб беришган.

Энди ёшларнинг оилада фарзандлар сонига булган муносабатларига мурожаат этайлик. Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан бири ёшларнинг оиладаги фарзандлар сонига булган муносабати эди. Шунинг учун биз тадқиқотда иштирок этган ёшларга «Сизнингча оилада нечта фарзанд булгани маъқул» деган савол билан мурожаат қилдик. Табиийки, оиланинг ташкил топиши ва фаровон яшашга таъсир этувчи иқтисодий муаммоларнинг кескинлашуви ёшларнинг оилада фарзанд қуриш хақидаги режаларига маълум даражада таъсир этади. 1976-1980 йилларда тугилган, лекин ҳали оила қурмаган, мамлакатнинг турли вилоятларида истикомат этувчи, турли ижтимоий гуруҳларга мансуб 1600 йигит-қиз билан оилада фарзандлар сони хақида суҳбат утқазилди. Уларнинг аксарияти шахаларда 2-3, қишлоқларда 3-4 болали оилаларни мақбул оила ҳисоблашади. АКШда ёшлар уртасида шу муаммо буйича утқазилган социологик тадқиқотнинг курсатишича, қупчилик оилаларда фақат биттадан фарзанд булиб, уларнинг 44 % қуптилмаган, 15 % эса хоҳламаган фарзандлар экан. Бу эса Америкада ҳам ёшларнинг ҳозирги қунда оила хақидаги фикрлари анча узгарганлигидан ва фарзандсиз оилалар салмогининг қупайиб боришидан далолат беради.

Ёш авлоднинг оилада фарзандлар сони хақидаги фикрлари урта авлод фикрларидан кескин фарқ қилмоқда. Урта авлоддан ёш авлодга утиб борган сари қуп болали оилаларни мақбул оила деб ҳисобловчи аёллар салмоғи қамайиб бормоқда. Фикримизнинг далили сифатида ушбу жадвални қуриб утамыз:

Оилада маъқул деб ҳисобланган фарзандлар сони

Тугтилган йиллар	Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	Эрқаклар	Аёллар	Эрқаклар	Аёллар
К Е К С А А В Л О Д				
1940-1944	4,0	4,7	5,1	6,3
1945-1949	4,1	4,5	5,5	5,6
1950-1954	3,5	2,8	5,7	5,5
1955-1929	3,8	3,0	5,8	5,1
ЁШ АВЛОД				
1960-1964	3,6	3,4	4,3	4,3
1965-1969	3,2	3,6	4,8	4,1
1970-1974	3,0	3,7	4,0	3,4
1075-1979	3,1	3,5	4,1	3,6

Жадвал маълумотларидан куриниб турибдики, Узбекистонда авлоддан авлодга утиб утиб борган сари олада фарзандлар сони хакида фикрлар узгариб бормокда. Бу холни 1996 йили ёшлар уртасида утказган тадқиқот натижалари хам тасдиқлайди. Ушбу тадқиқот натижаларнинг курсатишича, йигитларнинг 9,2 % - 1-2; 54,8 % 3-4; 28,6 % - 5-6; ва қолган 7 % - 7 ва ундан қуп фарзандли оилани макбул деб ҳисоблаган булсалар, қизлар орасида бу курсаткич эса қуйидагича: 19,4 % - 1-2; 62,7 % - 3-4; 11,9 % - 5-6 ва 6 % оилада – 7 ва ундан қуп фарзанд булишини макбул ҳисобладилар. Бу тадқиқот натижасидан биз ҳозирги ёш авлоднинг фарзандлар сонига булган муносабати кам фарзандлик сари узгарганлигини қуришимиз мумкин. Демак, узбек оилаларида авлоддан авлодга утиб борган сари оиладиги мавжуд ва макбул ҳисобланган фарзандлар сони аста-секин камайиб бормокда. Агар урта авлод вақиллари қуп болали оилаларни макбул оилалар деб ҳисоблашган булсалар, бугунги авлод вақиллари эса шаҳарларда 3-4, қишлоқларда 4-5 балали оилаларни маъқул оила деб таъкидлашмоқда.

Бу хол эса мамлакатда ХХІ асрдан бошлаб тугилиши қисқариб боришидан далолат беради.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Узбекистонда ёшларнинг демографик ҳолати, авлоддан-авлодга утиб бориш, демографик фактларни нималар ташкил қилади, аҳоли уртасида турли хил социал муаммолар пайдо булиши.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Ёшлар гуруҳи ёшидаги аҳоли мансуб.
2. Оила демографик гуруҳ сифатида қандай урганилади.
3. Аҳолининг оилавий аҳолини тахлили.
4. Оиладаги социал муаммолар.
5. Демографик вазиятни тахлили.
6. Демографик вазиятни курсаткичлари.
7. Оилани ижтимоий таркиби.
8. Оилани тузилиши.
9. Оиланинг ҳуқуқий негизлар.
10. Оиладаги социал муомалаларни ҳал этиш ишлари.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Қаримов «Узбекистон буюқ келажак сари» Узб.1998 йил
2. Асанов Т «Аҳолини демографияси» Т.1993 йил
3. Бегматов А «Социологияга қириш» 1995 йил
4. Максудов И «Узбекистон ижтимоий жугрофияси» 1996 йил

МАВЗУ: № 6 ТУГИЛИШ ВА УЛИШ УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ СОЦИОЛОГИК ОМИЛЛАР.

РЕЖА:

1. ТУГИЛИШ УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР.
2. ДЕМОГРАФИК ФАКТОРЛАР.
3. АХОЛИ УРТАСИДАГИ УЛИМ КУРСАТКИЧЛАРИ.

ТУГИЛИШ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ АСОСИЙ ОМИЛЛАР.

Тугилиш ахоли табиий усишнинг асосий манбаидир. Совет Иттифокида ва купгина бошка мамлакатларда тугилиш хар йили хисобга олиб борилади. Мамлакатда бундай маълумотлар махаллий советларнинг “Гражданлик холати актларини ёзиш булими томонидан кайд килинади. Мамлакатимизда 1976 йилда хар куни 4720 минг бола (чакалок) тугилган. Мамлакатда 1976 йилда урта хисобда 12931 та бола тугилган, хар соатда 539, хар минутда 9 тадан купрок ва хар 6 секунда бир чакалок дунёга келган. Бу ракамлар мамлакатимиз уртасида тугилиш хакида умумий маълумот беради. Аммо бу ракамлар тугилиш даражасини курсатмайди. Хар бир мамлакатда тугилиш даражасини аниклаш учун янги тугилганлар абсолют сонининг бошка абсолют ракамларига, масалан ахолининг умумий сони хакидаги ракамларига нисбатини аниклаш зарур. Айрим территорияларда ахолининг тугилиш даражасини курсатиш учун одатда тугилиш коэффицентидан фойдаланилади. Хар йили янги тугилганлар сонининг ахоли уртача сонидаги хар минг кишига нисбатига тугилиш коэффиценти дейилади.

Энди 1976 йил учун уртача ахоли сони хам, 1976 йилда тугилган болаларнинг умумий абсолют сони хам маълум. Ана шу маълумотлар асосида мамлакатимизда 1976 йилдаги тугилиш коэффицентини аниклаймиз.

Шундай килиб, мамлакатдаги 1976 йили тугилиш коэффиценти 18,4 фоиз яъни бошкача айтганда, хар минг кишига хисобланганда 18,4 фоиз кишидан иборат булган. Бу - умумий тугилиш коэффицентидир. Бундан ташкари, демографиядан махсус тугилиш коэффиценти каби тушунчалар борки, улардан айрим территориялар ахолиси тугилиш даражасини чукур анализ килишда фойдаланилади.

Одамнинг тугилиши умуман биологик жараёндир, аммо у социал факторларнинг жуда катта таъсири остида булади. Кадим замонларда яшаган кишилар уртасидаги тугилиш жараёнини купрок биологик характерга эга эди, деса булади. Чунки, кадимда кизлар балогатга етиши билан турмуш курганлар ва бола тугиш кобилияти сакланган давр давомида насл колдирганлар.

Аммо жамият тараккий этган, кишилар уртасидаги ижтимоий муносабатлар мураккаблашган сари тугилиш купрок социал категорияга айлана борди. Хозирги пайтда олимлар социал-иктисодий ва социал-маданий факторлар ахоли уртасидаги тугилиш даражасига таъсир этувчи асосий факторлардир, деб эътироф этмокдалар. Таббий-биологик факторлар хам тугилишига маълум даражада таъсир килади. Чунончи, ахоли яшаётган табиий мухит, иклимий шароитлар, балогатга етиш, хотин-кизларда бола туга олиш даврининг бошланиши ва тугаш муддатига маълум даражада таъсир этиши мумкин. Бу эса бошка хамма шароитлар бир хил булган дақдирда хам тугилиш курсаткичига таъсир килади. Аммо тугилиш курсаткичига таъсир этувчи асосий факторлар социал-иктисодий ва социал-маданий факторлардир.

Биз хозир ана шу факторларни асосийлари билан умумий тарзда танишиб чикамиз. Шунини айтиш керакки, бирон факторнинг роли, унинг тугилишига бевосита таъсири турли хил системага мансуб булган мамлакатларда турлича булиши мумкин. Буни кейинги темаларда, чет мамлакатлар, Мамлакатда Узбекистон ахолиси

тугилишига оид булган маълумотлар тахлилида яккол куришимиз мумкин. Масалан, соф демографик фактор-аҳолининг ёш ва жинсий составини олайлик. Тугилиш аҳоли уртасидаги никохланиш даражасига богликлиги хеч кимга сир эмас. Никохланиш даражаси эса аҳолининг ёш ва жинсий составига бевосита боглик.

Мамлакат аҳолисининг ёш ва жинсий составида катта номувофикларнинг булиши у ерда аҳоли уртасидаги никохланиш курсаткичининг камрок булишига олиб келади. Бу эса узи навбатида, тугилиш курсаткичларида таъсир этади. Масалан, бутун ер шари микийёсида аҳоли жинсий тартибида эркаклар билан хотин-кизлар сони тенг булгани холда (эркаклар барча аҳолининг 50,2 процентини ташкил этади.). Мамлакатда 1977 йилда эркаклар 46,5 фоизни хорижий Европада 48,4 фоиз, Америкада 49,6 фоиз булган. Дунёнинг колган кисмларида эса, аксинча, масалан, Мамлакатда 1977 йил 1 январ маълумоти буйича, хотинларкизлар сони эркакларга нисбатан 18,1 миллион киши ортик. Албатта, бу соннинг купчилик кismi катта ёшдагиларга тугри келади, аммо анчагина кismi турмуш курса, бола тугиладиган ёшдаги бева аёллардир. Бинобарин, бу хол мамлакатда умумий уртача тугилиш курсаткичига салбий таъсир килади.

Масалан хар икки жахон урушида 60 миллион киши чамасида аҳоли кирилиб кетган. Иккинчи жахон урушида факат мамлакатда 20 миллион киши нобуд булди.

Демографик факторлар, яъни аҳолининг ёш ва жинсий таркиби унинг табиий усишига таъсир этади, албатта. Бирок тугилишдаги мавжуд булган кескин территориал факторлар демографик факторлар билан белгиланмайди. Бундай фарклар турли мамлакатлар аҳолисининг моддий ва маданий турмуш даражаси, хотин-кизларнинг ижтимоий ишлаб чикаришда катнашиши, хар бир мамлакатда урбанизация жараёнининг даражаси, турли халкларда асрлар давомида шаклланган миллий урф-одатлар, диннинг таъсири каби социал-иктисодий ва социал-маданий факторлар билан богликдир. Шунингдек, хар бир давлат томонидан аҳоли сохасида олиб бориладиган сиёсат хам маълум тугилиши курсаткичларига таъсир курсатади.

Аҳолининг улими хакидаги маълумотлар унинг такрор барпо килиниши табиий усиш даражасини аниклашда мухим ахамиятга эга булган курсаткичдир. Масалан, тугилишга оид маълумотлар аҳолининг табиий усиши хакида хали тулик тасаввур бера олмайди. Уни факат улимга оид маълумотлар билан солиштирилгандагина, уларнинг фарки аниклангандагина мамлакат аҳолисининг табиий усиши хакидаги конкрет абсолют ракамларни билиб оламиз. Энг кадимги даврларда (ибтидоий жамоа тузуми, кулдорлик даврида) аҳоли уртасида улим курсаткичининг кандай булганлиги хакидаги хозирги замон фани аник маълумотларга эга эмас.

XVIII асрнинг иккинчи ярмига кадар дунёнинг деярли барча кисмларида аҳоли уртасида улим жуда куп булган. Улимнинг сезиларли даражада камайиши иккинчи ярмидан бошланди. Бу даврда улимнинг камайиши медицина фанининг ютуклари турли, хил огир касалликлар эпидемиясига карши самарали кураш чораларининг топилиши натижаси эди. Улимнинг камайиши дуненинг хамма жойида бир вақтда ва бир хилда бошланмаган, албатта. Улимнинг сезиларли камайиши авхло Европада бошланади.. XIX асрнинг охирларига келиб бу китада улат, вабо касаликлари эпидемияси деярли тугатилди улимнинг камайиши кейинчалик дуненинг бошка кисмларига хам таркала бошлади. Аммо аҳоли уртасидаги улим курсаткичлари турли мамлакатларда ва хатто мамлакатнинг ичида хам анчагина фарк килади. Бу ажабланарли эмас. Чунки, улим хам тугилиш сингари турли хил факторлар таъсирида ва хилма хил сабабларига кура содир булади.

Бундай фактор ва сабаблар хатто бир мамлакатнинг ичида хам хар хил булиши мумкин.

Олимлар аҳоли уртасидаги улим сабабларини биринчи навбатда иккита группаларга ажратадилар: эндоген сабаблар ва эизоген сабаблар. Хар бир одамнинг биологиясидан келиб чикадиган ва ирсият билан боглик буладиган тугма касалликлар

натижасида улиш янги тугилган чакалок уртасида купрок учрайди, баъзан эса, катта ёшдагилар уртасида ҳам шу сабабга кура улим содир булиши мумкин.

Умуман олганда, эндоген сабабларга кура улиш жуда кам булади. Ахоли уртасида содир буладиган улимнинг абсолют купчилиги экзоген сабабларга кура булади. Булар киши организмига ташки таъсир натижасида руй беради. Ташки таъсир деганда, одамлар яшаб турган барча мухитлар (табиий мухит, кишилар кули билан улар меҳнати туфайли яратилган сунъий мухит) кузда тутилади.

Географик мухитнинг улим курсаткичига таъсири хайвонот дунёси оркали ҳам булиши мумкин. Айрим хайвонлар баъзи юкумли касалликларни юктириш ва таркатиш манбаи хисобланади.

Хозирги пайитда атмосферани ифлослантираётган захарли моддаларнинг асосий манбалари нималардан иборат? Бу саволга жавоб беришда хозирги капитал дунёсининг энг ривожланган мамлакати – АКШга таълуқли маълумотлар диққатига сазовордир. Бу мамлакатда атмосферани ифлослантираётган хар хил ифлосликларнинг 60 % транспортдан (асосан автомобилларнинг ишлаган гази) 17 % саноатдан, 14 % энеогетикадан, 9 % уйларни иситиш ва хоказо мақсадларга ёқилги ёқишдан тарқалмоқда. Бу маълумотлардан куриниб турибдики, атмосферани ифлослантирувчи энг асосий манбалардан бири автомобиллар экан. Хақиқатда ҳам автомобил мотори ишлаган, вақтда соғлиқ учун зарар булган жуда куп газ чиқади.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Тугиш ва унга таъсир этувчи социал омиллар ахолини табиий усишнинг асосий манбаидир, ижтимоий муносабатларнинг мураккаблиги, социал иктисодий ва социал маданий факторлар демографик фактор – ахолининг жинсий ва ёши, Ахоли уртасида улиш курсаткичлари ва уларга таъсир этувчи омиллар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Демографик гуруҳларнинг фаолияти.
2. Шахсларни эркинлиги.
3. Социал муаммоларни классификацияси.
4. Ижтимоий гуруҳларда социал конфликтлар.
5. Тугилиш жараёнида демографик гуруҳларнинг ахволи.
6. СПИД касаллиги оқибатлари.
7. Жамият ривожланишининг таъсир курсатаётган турли хил оқимларининг купайиши.
8. Демографик гуруҳларнинг миграция жараёни.
9. БМТ нинг хозирги кунда олиб бораётган ишлари.
10. Социал муаммоларни олдини олишда тадқиқотни ахамияти.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Ўзб. 1998 йил
2. Максудов “Ўзбекистон ижтимоий жугрофияси” Ф. 1996 йил
3. А. Бегматов “Социологияга кириш” 1995 йил
4. С. Алиқориев “Ўмумий социология” Т. 1999 йил
5. Асанов Т “Ахоли географияси” Т. 1993 йил

МАВЗУ: № 7 БОЛАЛАР ИЖТИМОЙ ДЕМОГРАФИК ГУРУХИ.

РЕЖА:

1. БОЛАЛАРНИ ИЖТИМОЙ ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА УРГАНИШНИНГ АХАМИЯТИ.
2. БОЛАЛАР ОИЛА БАХТИ, ИКБОЛИ, ЖАМИЯТНИНГ КЕЛАЖАГИ.
3. ХОЗИРГИ КУНДА БОЛАЛАР ХУКУКИНИ ХИМОЯ КИЛИШ.

Болалар деганда аввало камолга етган аҳоли гурухи тушунилади. Болалар жуда куп фанларнинг урганиш объекти ҳисобланадилар. Уларга тиббиёт, демография, иқтисод, социология, психология ва статистика киради.

Тиббиёт фани нуктаи назаридан 14 ёшгача булган болалар гурухи киради ва бу гурухни яна бир канча гурухларга бўлиб урганилади. Тиббиётда болалар гурухларига бўлинганда боланинг физиологияси асос қилиб олинади. Масалан чакалоқлар тирик туғулган чакалоқлар, улик туғулган чакалоқлар, соғлом, ногиронлар, касал болалар ва х. к.

Демография эса болалар ҳақида 0-15 ёшгача аҳоли гурухи тушунилади 15 ёшдан бошлаб репродуктив аҳоли дейилади. Болаларни 0 ёшдагилари алоҳида урганилади. Чунки аҳолининг ушиб бориши янги авлод шаклланиши анашу “0” ёшларга боглик. Ундан кейинги демографияда болаларнинг 5 йиллик давр билан, ёш гурухларга бўлиб ҳам урганилади. 0-4, 5-9, 10-14, Демографияда болаларни аҳоли такрор бўлишини, яъни оилалар пайдо бўлишини таъминловчи демократик имконият сифатида талкин этилади.

Ҳамда аҳолининг такрор барпо бўлишини натижаси сифатида қаралади.

Иқтисодий нуктаи назардан қараганда эса меҳнат ёшигача яъни 16 ёшгача булган аҳоли болалар ҳисобланади.

Социология фанида эса, уз тадқиқотларида болаларни бир неча гурухларга бўлиб урганади. 0-2 ёш – ясли ёши, 3-6 ёш – мактабгача гурухи, 7-12 ёш – мактаб ёши ва 13-15 ёш – усмирлар.

Болалар социологияда оиланинг аъзолари, оиланинг ҳаётий босқичларнинг асоси, ҳамда оиланинг такрор бўлишининг замини сифатида аҳамиятлидир.

Социология болаларнинг алоҳида ижтимоий гурух сифатида урганар экан, аввало унинг оилада ва жамиятда тутган урнига асосий эътиборни қаратади.

Болалар оила бахти, икболи, жамиятнинг келажагидир. Инсон зотини давом эттириши, жамиятнинг узвийлиги миллатлар халқларнинг урф одатлари ва кадриятларини асрлар оша авлодлардан авлодларга етиб келиши, болаларга боглик. Бола бир суз билан айтганда, инсоннинг келажаги, насли ва меросхурдир. Шу боис болалар саломатлиги, меҳнати ва билим олиш уларнинг ҳар бир томонлама етук, комил инсон бўлиб етишиши билан боглик, муаммолар жамиятнинг қолаверса бутун инсониятнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Жамият тараккиёти давомида болаларга инсоният келажаги сифатида эътибор бериш, уларни ҳар томонлама ҳимоя этиш асосан XX асрдан бошланди. Шунинг учун ҳам XX асрни, болалар асри, деб ҳам атадилар. 1946 йил БМТ томонидан махсус болаларни ҳимоя этиш ташкилоти ЮНИСЕФ тузилади. Ташкилотнинг асосий мақсади дунё бўйича балалар саломатлиги, маълумот олишни таъминлаш, уларнинг фуқаро иқтисодий сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш болалар меҳнатини эксплуатация қилиш ва уларни камситишга йул қуймасликдан иборатдир. 1990 йилда БМТ томонидан болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича янги конверсия қабул қилинди. Ҳозирги даврга қадар болалар муаммоларига берилаётган эътибор яна ҳам қучайди. Болалар ҳам катталардек фуқаролик, сиёсий, маданий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқга эга эканлигини тан олдилар.

Конверцияга мувофиқ аҳолининг 18 ёшгача булган қисми болалар ҳисобланади ва болалар ижтимоий демографик гуруҳига киритилади. Конверция ҳар қандай вазиятда ҳам болалар талабларини ва қизиқишларини таъминлаш (3 модда) Унинг тула ривожланиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш (6 модда) бола саломатлиги учун энг етук тиббий хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқи берилди (24 модда).

Конвенцияни қабул қилган барча давлатлар болаларга барча ижтимоий иқтисодий имкониятларни яратиб бериш қучига эга эмас. Лекин улар бир имкониятларини биринчи навбатда болаларга қаратиши зарур барча давлатлар ҳар йили ЮНИСЕФга болалар ҳимоясига олиб борилган ишлар буйича ҳисобот бериб туради.

Ҳозирги кунда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенцияси жуда фаол ишламоқда. Ҳаётга тадбиқ этилмоқда.

Конвенция буйича оилада, жамиятда ва давлатда ҳамма болани дискриминациясиз, тенг маънода ҳимоя қилиш керак. Айниқса камбағал, чорасиз болаларга биринчи навбатда биринчи ёрдам қурсатишлари баъзи ривожланган давлатларда, айниқса АКШда жуда қўнма маблағ харбий ва бошқа мақсадларга сарфланмоқда. АКШ бир йилда қўшимча 40 млн. доллар турли мақсадларга ишлатилар экан. Анашу маблағ билан ер юзи аҳолисини тиббий хизмат, тоза ичимлик суви, маълумот билан таъминлаш мумкин экан.

Махсус олиб борилаётган социологик тадқиқотлар натижасида дунё аҳолисининг жуда қўнма қисми болалар ҳуқуқини ҳар томонлама ҳимоя қилиш лозимлиги таъкидлаганлар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Ижтимоий демографиянинг функциялари болаларни ижтимоий демографияси, жамият ва давлатни конвенция қабул қилиши, ЮНИСЕФ ташкилотларнинг фаолияти болаларга яратилаётган имтиёзлар, болали оилаларни ва боласиз оилаларни келажаги, Ўзбекистонда болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Болалар гуруҳи қайсилар?
2. Болалар қайси фаннинг урганиш объекти?
3. Неча ёшгача аҳоли гуруҳи болалар гуруҳи ҳисобланади?
4. Демографияда – неча ёшдан болалар гуруҳи ҳисобланади.
5. Болалар неча гуруҳга бўлинади?
6. БМТ томонидан болаларга қандай ташкилот тузилган?
7. Болалар ҳуқуқини ҳимоя қилиш конвенцияси тузилган йил?
8. Болалар ҳуқуқи қандай?
9. Болаларни статистикада қандай урганади?
10. Психологияда болаларни қандай урганади?

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Каримов “Ўзбекистон буюк келажак сари” Ўзб. 1998 йил
2. Мақсудов “Ўзбекистон ижтимоий жугрофияси” Ф. 1996 йил
3. А. Бегматов “Социологияга кириш” 1995 йил
4. С. Алиқориев “Умумий социология” Т. 1999 йил
5. Асанов Т “Аҳоли географияси” Т. 1993 йил

МАНЗУ: № 8 МУЛҚДОРЛАРНИ ДЕМОГРАФИК ГУРУХ СИФАТИДА УРГАНИШ.

РЕЖА :

1. ЯНГИ ИЖТИМОЙ ГУРУХ СИФАТИДА БИЗНЕСМЕН АЁЛЛАР.
2. МУСТАКИЛ УЗБЕКИСТОНДА ФЕРМЕР ВА ТАДБИРКОРЛАР.
3. УЗБЕКИСТОНДА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ КЕЛАЖАГИ.

Республикада янги иктисодий муносабатларни йулга куйишда кичик ва урта бизнесни ривожлантиришда давлат ҳукуки механизмининг аҳамияти каттадир. Узбекистонда тадбиркорларнинг эртаси, келажаги уларнинг канчалик тугри ва аниқ фаолият курсатишига боғлиқдир.

Аёлларнинг ижтимоий сиёсий ва иктисодий ҳаётга кизикишлари, улар фаолиятида оммавий ахборот воситаларининг муҳим урин тутишида ҳам куришиб турибди. Барча тадбиркор аёллар учун касб фаолиятлари билан оилани макбул тарзда мувофиқлаштириш муаммоси ниҳоятда муҳим ва долзарбдир. Янги бозор муносабатларига утиш, уз бизнесини яратиш, малакали мутахассис булишга интилиш, аёл кишининг иш вақтини анча купайтириб, буш вақтини колдирмайди. Аёлларнинг уй рузгор ишларини иложи борича енгиллаштириш. Биринчи галда маиший турмуш шароитларини яхшилаш ва уй ишларида замонавий маиший техникадан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Купчилик тадбиркор аёллар 34,7 % хизмат мажбуриятлари учун кунига 9-10 соатгача ҳафтасига 50-65 соатгача вақт сарфлашар экан.

Бундан ташқари ҳар 5чи аёл ишхонада 10 соатдан ортик ҳар 3чи аёл эса ҳафтасига 65 соатдан ишда банд булар экан. Аёлнинг уй бекаси сифатида уй рузгор ишлари билан канча банд булишини ҳисобга олса унинг умумий ташвиши янада купаяди. Ҳар кандай бизнесга ҳам ишнинг кузини биладиган шерик топиш, ундаги муайян шахсий фазилатларнинг узи катта аҳамиятга эгадир. Анкета тадқиқотлари натижалари суралганларнинг бари шерик сифатида ҳам эркак ҳам аёл шерикларини танлашганларини курсатишади. тадбиркор аёлларнинг тижорат тадбиркорлик фаолиятларини ривожлантиришда ва уларга зарур ёрдам курсатишда турли хил давлат структуралари маҳаллий ижройи ҳокимият идоралари, божхона булилари муҳим аҳамият касб этади. Бундан ташқари, туман ва шаҳар солиқ назорати идоралари ҳам аёлларнинг узларининг кучларига ишонишларини таказо этади. Доимо узгайиб турувчи бозор шароитига мослаша олишлари керак. Уз фаолиятлари давомида аёллар дуч келадиган асосий муаммолардан бири, бу ҳокимият ва бошқа турли давлат идоралари бюрократизмидир. Буни суралганларнинг 46,4 % эътироф этди. Шунингдек ҳар 4чи аёл солиқ назорати идораларнинг асосиз равишда тез-тез текшириб туришларидан норозилигини билдиради. Санаб утилган муаммолар каторида буйсунувчи оддий ходимларнинг ва укувсизлиги ҳам учраб туради. Бу муаммоларга суралганларнинг 42,4 % ни келтирилган булса респондентларнинг 34,4 % дуч келган шериклари билан узаро муносабатларда муаммоларга дуч келди. 27,2 % аёллар банк ҳисоб китобларини утказишда турли хил транспорт воситаларидан фойдаланишда учрайдиган кийинчиликларини ҳам утказиб куришди. Аёллар уз тижорат фаолиятлари давомида учрайдиган муаммоларга карамасдан, давлат тизимлари билан зиддиятга бормасдан ҳаракат килишар экан. Купчилик аёлларнинг маҳаллий ижройи ҳокимият идоралари, миллий банк, ички ишлар булимлари, божхона, судлар билан зиддиятларга бормасликларини курсатди. Солиқ назорати идораси ва ишбилармонлар билан ҳам низолар деярли кайд этилмайди.

Узбекистонда тадбиркорларнинг эртаси, ва келажаги, уларнинг канчалик тугри ва аниқ фаолият курсатишига боғлиқдир. Аёлларнинг ижтимоий сиёсий ва иктисодий ҳаётга булган кизикишлари, улар ҳаётида оммавий ахборот воситаларининг муҳим урин тутишида ҳам куришиб турибди. Суров натижалари купчилик тадбиркор аёлларни 72 %

ни телевидениедан ахборот манбаи сифатида мунтазам равишда фойдаланишларини курсатади. Шунингдек, аёллар доимо радио эшитиб кундалик ва ҳафталик рузномалар уқиб туришади. Барча тадбиркор аёллар касб фаолиятлари билан оилани макбул тарзда мувофиқлаштириш муаммоси нихоятда муҳим ва долзарб вазифадир.

Тадбиркорлик фаолиятлари билан шугулланишга йуналтирувчи сабабларини куриб чиқаётиб улар орасида аҳамиятга эга булган аёлларнинг ёши каби омилни алоҳида курсатиб утиш лозим. Уз бизнесларини юргизишда катта кийинчиликлар бу коғозвозлик сансалорлиги, дастлабки маблагнинг йуклиги ва лолик назорати билан булган муносабатидир, уларнинг асосий қисми ёши 50 катта булганларидир яна шу маълум булдики, тадбиркорлик билан шугуллангунга қадар аёлларнинг 12,8 % уқитувчилик, 12 % давлат корхоналарида, 5,6 % шифокорлик касблари билан банд булганлар. Уй бекаси булган аёллар ичида тижорат билан шугулланувчилар анча юқори курсаткичи 8,8 % ни ташкил этади.

Тижорат билан шугулланишга нима мажбур қилди? Деган саволга аёлларнинг 37,6 % моддий кийинчиликлар туфайли, 16, эса тадбиркор булиш истаги. 15,2 % эса бу соҳани узлари учун кизикарли булганлигидан деб жавоб бердилар.

Хулоса қилиб айтадиган булсак:

- тижорат соҳасига кириб келаётган аёллар асосан уқитувчилар, шифокорлар давлат корхоналари ишчилари ва уй бекаларидир.
- Аёллар тижорат билан шугулланишига ундаги асосий сабаб, моддий кийинчиликлар.

Социологик суров натижаларидан аёлларнинг фаоллик даражаси ҳам юқори булганлиги ҳам маълум булди. Уларнинг қупчилиги ташаббус курсатиб, тижорат ишларини бошлаб юборганлар, яшаш жойларидан миллати ва ёшидан қатий назар, суралган аёлларнинг 62,4 % ни хошишларига қура тижоратчи булганлар.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Иқтисодий муносабатлар, урта бизнесни ривожлантириш, аёлларнинг бизнесдаги фаолияти, тадбиркорлик, анкета суровнома, солиқ идораси божхона идораси, ижтимоий фикрни урганиш, оммавий ахборот воситалари, сиёсий иқтисодий ҳаётга кизикишлар.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Фарзанд қуриш (репродуктив) ёш.
2. Аёлларнинг фарзанд қуриш даври.
3. Фарзанд қуриш ёшидаги муаммолар.
4. Фарзанд қуриш даврининг хусусиятлари.
5. Фарзанд қуриш маълумотлилиқ даражаси.
6. Фарзандли аёлларнинг ишлаб чиқаришда бантлиги.
7. Фарзанд қуриш даврида демографик мойилга таъсир.
8. Аёлларнинг турмушга тайёрлаш масаласи.
9. Фарзанд қуриш давридаги социал муаммолар.
10. Давлатнинг социал сиёсати.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Қаримов “Ўзбекистон келажаги буюқ давлат” 1998
2. И. А. Қаримов “Ўзбекистон: миллий истиқлол сари, иқтисод сиёсат мафқура” Т. 1993
3. Мустақиллик даражасида оила ва тарбия. 1994

МАВЗУ: № 9 ЁШЛАРНИНГ ДЕМОГРАФИК ХОЛАТИ ВА ОИЛА.

РЕЖА:

1. ЁШЛАРНИ ДЕМОГРАФИК ХОЛАТИНИ УРГАНИШ

2. ЁШЛАРНИ СОЦИАЛ МУАММОЛАРИ.

3. ШАХАР ВА КИШЛОК ЁШЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТИ.

Ёшлар жамиятининг алохида ижтимоий демографик гурухи ҳисобланиб, бу гурухга 16-29 ёшдаги аҳоли киради. Жамиятнинг ижтимоийлар иктисодий тараккиётида ёшлар алохида аҳамиятга эгадир. Чунки ёёш авлод жамиятнинг ижтимоий, демографик тизимини янгилаб туради. Аҳоли сонининг узликсиз купайиши, янги оилаларнинг ташкил топиши асосан ёшларга боғлиқдир. Ўзбекистон каби аҳоли сонидан ёшларнинг салмоғи юқори булган давлатларда ушбу гурухни атрофлича урганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Статистик маълумотларга қараганда аҳолининг туртдан бирини ёшлар ташкил қилади. Аҳоли салмоғида ёшларнинг куплиги асосан анъанавий куп болалиқ туфайлидир. Бу ҳол аҳоли миқдорининг ошиб боришига таъсир қуратиб, ёшлар салмоғининг кескин равишда узишига олиб келади.

Маълумки, Ўзбекистон дунёдаги тугилиши даражаси юқори булган давлатлардан бири ҳисобланади. БМТнинг маълумотларига қараганда кейинги 5-5 йил мобайнида 1990-1996 йилларда дунё буйича ҳар 1000 кишга нисбатан тугилган болалар сони уртача 25-26 нафарини ташкил этган бўлса, Ўзбекистонда бу курсаткич 28-29 нафарни ташкил этади. Ўзбекистонда тугилишнинг бундай юқори ҳолда сақлаб қелаётганлиги, мутахассисларнинг курсатишича мамлакатнинг ижтимоий-иктисодиёт тараккиёт даражаси, аҳолининг айниқса аёлларнинг маълумоти, уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда бандлиги, куп болалиқни куллаб-қувватловчи кадрлар халқимиз орасида сақланиб қелаётганлиги, давлатнинг демографик сиёсати аёл фарзанд саломатлигига қаратилганлиги каби катор омилларга боғлиқдир.

Лекин шуни алохида қайд этиш керакки Ўзбекистонда кейинги йилларда тугилиш суръати камайиб бормоқда. Фикримизнинг далили сифатида қуйидаги маълумотларга муроҷат этамиз: 1990 йилда мамлакатимизда ҳар 1000 кишига тугилган болалар сони уртача 33,7 нафарини ташкил этган бўлса, 1995 йилда бу курсаткич 29,8 ни ташкил этади, бошқача қилиб айтганда, ана шу даврда тугулган болалар сони 13% камайди. Бу ҳол асосан 35-40 ёш гуруҳидаги оилаларда фарзанд қуришнинг қисқариб кетиши ҳисобига руй бериши. Улкамзда тугилишнинг камайиб бориши оилада бешинчи, олтинчи, еттинчи ва ундан кейин фарзандлар тугилишнинг камайиб боришида ҳам яққол кузатилади. Масалан: 1970 йилда Ўзбекистонда жами тугилган болаларнинг 49,5 %ни оила бешинчи, олтинчи ва ундан кейинги бўлиб тугилган фарзандлар ташкил этган бўлса, бугунги кунга келиб, бу курсаткич деярли 5 баробарга камайди.

Ҳозирги даврда тугилаётган болаларнинг асосий қисмини оила биринчи, иккинчи, учинчи бўлиб тугилган болалар ташкил этмоқда. Ана шу тугилаётган болаларнинг 79-80 % 16-29 ёшдаги оналарга тугри келади. Бу ҳол мамлакат демографик тараккиётида ёшларнинг ҳиссаси ниҳоятда юқори эканлигидан далolat беради. Айниқса 10-15 йил мобайнида тугилишда 20-24 ва 25-29 ёшдагиларнинг улуши ортиб бормоқда. Масалан, 1980 йилда ҳар 1000 нафар 20-24 ёшдаги аёлларга нисбатан тугилган болалар сони 273,6 нафарни ташкил этган бўлса, 1995 йили бу курсаткич деярли 300 нафарни ташкил этди: 25-29 ёш гуруҳларидаги аёлларда эса мос равишда 272,5 ва 295 нафарни ташкил этади.

Мирзо Улугбек номли Тошкент давлат университети аҳолишунослик илмий тадқиқот лабораторияси ходимлари Тошкент, Сирдаре Жиззах, Самарканд, Наманган, Қашқадаре, Сурхандаре, Бухора, вилоятларида истикомат этувчи аҳолининг турли ижтимоий демографик гуруҳлари, шу жумладан ёшлар уртасида 1996 йилда демографик тадқиқотлар утқазилдилар. Тадқиқотларнинг асосий мақсадларидан бири ёшларни оилага ва оилада фарзандлар сонига булган муносабатларни урганишдан иборат эди. Мадомики, мамлакатнинг демографик ҳолати асосан ёшларга боғлиқ экан, уларнинг оилага ва оила олдиғи фарзандлар сонига булган муносабатлари яна ҳам аҳамиятлидир. Дастлаб ёшларнинг оилага булган муносабатлари ҳақида. Тадқиқотда катнашган ёшларга «Ҳаётингиздаги асосий мақсадларингиз нима?» деган савол билан муружат қилинганда, уларнинг деярли ҳаммаси «оила қуриш», «фарзанд қуриш» деган жавобни бердилар. Иқтисодий тарққий этган давлатларда истикомат этувчи ёшларнинг оила ҳақидағи фикрлари эса Ўзбекистон ёшларнинг фикрларидан анча фарқ қилади. Масалан, Полшада мутахассислар томонидан утқазиладиган социологик-демографик тадқиқоти 14-16 ёшли усмирларга «сиз келажакда оила қурасизми?» деган савол билан муружат этилганда, бу саволга тадқиқотда катнашган ёшларнинг 60-69 % яшаш учун оила қуриш шарт эмас қабилида жавоб беришган.

Энди ёшларнинг оилада фарзандлар сонига булган муносабатларига муружат этайлик. Юқорида қайд этилган тадқиқотлардан бири ёшларнинг оиладағи фарзандлар сонига булган муносабати эди. Шунинг учун биз тадқиқотда иштирок этган ёшларга «сизнингча оилада неча фарзанд булгани маъқул» деган савол билан муружат қилдик. Табиийки оиланинг ташқил топиши ва фаровон яшашига таъсир этувчи иқтисодий муаммоларнинг кескинлашуви ёш фарзанднинг оилада фарзанд қуриш ҳақидағи режаларга маълум даражада таъсир этади. 1976-1980 йилларда тугилган, лекин ҳали оила қурмаган, мамлакатнинг турли вилоятларида истикомат этувчи, турли ижтимоий гуруҳларга мансуб 1600 йигит киз билан оилада фарзандлар сони ҳақида суҳбат утқазилди. Уларнинг аксарияти шахаларда 2-3, қишлоқларда 3-4 болали оилаларни мақбул оила ҳисоблашади. АКШда ёшлар уртасида шу муаммо буйича утқазилган социологик тадқиқотнинг қурсатишича, қупчилик оилаларда фақат биттадан фарзанд булиб, уларнинг 44 % қутилмаган, 15 % эса хохламаган фарзандлар экан. Бу эса Америкада ҳам ёшларнинг ҳозирги кунда оила ҳақидағи фикрлари анча узгарганлиғидан ва фарзандсиз оилалар салмоғининг қупайиб боришидан далолат беради.

Ёш авлоднинг оилада фарзандлар сони ҳақидағи фикрлари урта авлод фикрларидан кескин фарқ қилмоқда. Урта авлоддан ёш авлодга утиб борган сари қуп болали оилаларни мақбул оила деб ҳисобловчи аёллар салмоғи қамайиб бормоқда. Фикримизнинг далили сифатида ушбу жаadwalни қуриб утағиз:

Оилада маъқул деб ҳисобланган
фарзандлар сони

Тугилган йиллар	Шаҳар аҳолиси		Қишлоқ аҳолиси	
	Эрқаклар	Аёллар	Эрқаклар	Аёллар
К Е К С А А В Л О Д				
1940-1944	4,0	4,7	5,1	6,3
1945-1949	4,1	4,5	5,5	5,6
1950-1954	3,5	2,8	5,7	5,5
1955-1929	3,8	3,0	5,8	5,1
ЁШ АВЛОД				
1960-1964	3,6	3,4	4,3	4,3
1965-1969	3,2	3,6	4,8	4,1
1970-1974	3,0	3,7	4,0	3,4
1075-1979	3,1	3,5	4,1	3,6

Жадвал маълумотларидан куришиб турибдики, Ўзбекистонда авлоддан авлодга утиб утиб борган сари олада фарзандлар сони хакида фикрлар узгариб бормокда. Бу холни 1996 йили ёшлар уртасида утказган тадқиқот натижалари хам тасдиқлайди. Ушбу тадқиқот натижаларнинг курсатишича, йигитларнинг 9,2 % - 1-2; 54,8 % 3-4; 28,6 % - 5-6; ва колган 7 % - 7 ва ундан куп фарзандли оилани макбул деб хисоблаган булсалар, кизлар орасида бу курсаткич эса куйидагича: 19,4 % - 1-2; 62,7 % - 3-4; 11,9 % - 5-6 ва 6 % оилада – 7 ва ундан куп фарзанд булишини макбул хисобладилар. Бу тадқиқот натижасидан биз хозирги ёш авлоднинг фарзандлар сонига булган муносабати кам фарзандлик сари узгарганлигини куришимиз мумкин. Демак, узбек оилаларида авлоддан авлодга утиб борган сари оиладиги мавжуд ва макбул хисобланган фарзандлар сони аста-секин камайиб бормокда. Агар урта авлод вакиллари куп болали оилаларни макбул оилалар деб хисоблашган булсалар, бугунги авлод вакиллари эса шахарларда 3-4, кишлокларда 4-5 балали оилаларни маъкул оила деб таъкидлашмоқда.

Бу хол эса мамлакатда XXI асрдан бошлаб тугилиши кискариб боришидан далолат беради.

«Ёшларга миллий ватанпарварлик рухида таълим-тарбия бериш, улар хакида гамхурлик килиш бугунги куннинг жиддий вазифаларидан бири хисобланади».

1996 йилга келиб Ўзбекистон Республикаси ахолиси 23 млн.дан ошиб кетди. Ахолининг 50 %га яқинини 18 ёшгача булган ёшлар ташкил этади. Шундан 9,6 млн. 16 ёшгача ташкил килади ушбу келтирилган статистик маълумотлардан куришиб турибдики, ёшлар билан боглик булган масалалар жамият хаётида накадар жиддий ва долзарбдир.

Бозор муносабатларига утиш даврида ёшлар билан боглик булган муаммолар янада купаиб ва кескинлашиб бормокда. Уларни урганиш, тахлил килиш ва керакли зарур илмий – амалий таклифларни ишлаб чиқиш, мавжуд шарт-шароитларни хисобга олган холда, масалага янгича ёндашишни талаб килади. Чунки, бир томондан, социализм даврида бунёд этилган ижтимоий – иктисодий муносабатлар, тушунчалар емирилиб, эскириб бормокда. Куплари хозирга келиб яроксиз булиб колди. Иккинчи томондан, янги ижтимоий иктисодий муносабатларга асосланган ижтимоий карашлар хали тула шаклланигани йук. Юкоридаги фикрлардан шуни англаш мумкинки, ёшлар билан боглик булган барча муаммоларни илмий-амалий жихатдан урганувчи ёшлар социологиясининг жамият хаётидаги ахамияти накадар катта.

Ёшлар социологияси XX асрнинг 20-йилларида Олмонияда, АКШда ва Францияда шаклланди. 1928 йилда К. Мангеймнинг «Авлод муаммоси» асари босилиб чикди. Бу асар ёшларнинг социологик муаммолари илмий асосда урганадиган дастлабки асарларидан эди.

XX асрнинг 60-йилларидан ёшлар муаммоларини тахлил килишга ва ечишга каратилган куплаб чоп этила бошлади. Олмонияда ёшлар мияси буйича Г. Шельскийнинг «Скептик авлод» (1957), Ф. Тенбрукнинг «Ёшлар ва жамият» (1962) Венадаги социологик институт директори Л. Розенмайрнинг «Эмпирик социал тадқиқот буйича кулланма» (1969), америка социологи Д. Кемпоелнинг «Социализация буйича спаровчник» (1969) америка социологи С. Эйзенштаднинг «Авлоддан авлодга» (1966) асарлар ёшлар социологиясининг кенг ривожланишига таъсир курсатди.

Хозирги давр ёшлар социологияси доирасида ёшлар хаётини илмий-социологик урганишнинг асосий тамойиллари куйидагилардан иборат:

1. Ёшлар муаммосини урганишда тарихий ёндашиш лозимлиги. Ёшларнинг ижтимоий карашларига, хулкига, кизикишига ва ёшга жихатларини тадқиқ этишда муайян тарихий давр, шарт-шароитларнинг узига хос хусусиятларидан келиб чикиб бахо бериш талаб килинади. Масалан, хозирда шаклланиб келаётган бозор муносабатлари шароитида ёшларнинг ижтимоий карашлари, кизикишлари ва юзага келаётган муаммолар аввалги давр, ижтимоий-иктисодий тузумдагига нисбатан узгариб, янгича мазмунга ва хусусиятларга эга булмоқда.

2. Ёшларнинг узига хос турмуш тарзини тахлил килиш ва урганиш. Бунда ёшларнинг ижтимоий ҳолати, ҳаёт кечириш тарзи ва унинг ривожланишини назарий ва эмпирик жихатдан урганиш.
3. Ёш авлодни ҳар жихатдан ривожланиб боришини тахлил килиш. Мавжуд ижтимоий-иктисодий шарт-шароитни, муҳитни узгариши оқибатида авлодлар уртасида доимо муайян ривожланиш руй беради. Шу сабабли, кекса авлод билан ёшлар уртасида узаро зиддият вужудга келди. Купинча, ёшларнинг манфаат ва кизиқишлари, фаолияти ташки қуриниши (мода) кекса авлодда норозилик, эътироз тугдиради.
4. Ёшларга табакавий жихатдан ёндашиш. Бу методологик тамойил ёшларни турли табакалардан иборат гуруҳларга ажратиб урганишни билдиради. Бозор муносабатларининг таркиб топа бориши билан ёшлар уртасида ҳам табакаланиш кучайиши табиийдир. Хозирданок уларнинг турли ижтимоий табакаларга ажралиш жараёни руй бермокда. Бир томондан, жамият ижтимоий ривожланишига салмокли таъсир курсатувчи ёшлар гуруҳлари: талабалар, ёш олимлар, ишчилар, фермерлар, ишбилармон ёшлар, санаткорлар, савдогар ёшлар каби гуруҳлар салмоги ортиб бораётган булса иккинчи томондан эса, ишсиз ёшлар бекорчи саёк, гиёҳванд жиноятчи каби ёшлар жамият ҳаётида салбий дисфункционал аҳамият касб этмокда. Хозирда Республика жиноятчилигининг 85 % га яқини 25 ёшгача булган ёшлар томонидан содир қилинаётганлигини эътиборга олсак, ёшлар социологиясининг жамият ҳаётида нақадар катта аҳамият эканлигини англаш мумкин.

Социологияда ёшлик болалик давридан сунг улгайиш давригача бир неча босқичларга ажратиб курсатилади. Масалан ёшликнинг дастлабки, куйи чегараси 14-16, юкори чегараси эса 25-30 ёшларни уз ичига олади. 20 ёшгача булган ёшларда асосий муаммо, уларнинг касб танлаши маълумот олиши ва ҳаётга мустақил кадам куйиши билан боглик муаммоларни уз ичига олади.

Социологиянинг бу маҳсус назарияси жамиятнинг барча ижтимоий соҳаларидаги ёшлар билан боглик булган муаммоларни урганади. Жамиятнинг ижтимоий иктисодий шарт шароити ва ёшлар муаммоси; халк хужалиги, фан ва маданиятнинг ёш мутахассис кадрларга булган эҳтиёжи; таълим тизими ва ёшларнинг мустақил меҳнат фаолиятига тайёрлаш; демографик жараёнлар ва ёшларни иш билан таъминлаш; ёшларнинг маълумот олиши ва касб танлаши муаммоси; ёшларнинг касб танлаши ва социал мобиллик; ёшларнинг касб танлашда миллий, ҳудудий ва минтакавий хусусиятлар; ёшларни маълумот олиш имкониятларини олдиндан хабар бериш; ёшларда меҳнат малакасини шакллантириш масалалари; шахар ва кишлок ёшлари ҳаёти; ёшларнинг турмуш даражаси каби масалалар шулар жумласидандир. Ушбу муаммолар буйича эмпирик ва назарий жихатдан социологик тадқиқотлиб бориш, уларнинг статик ва динамик хусусиятларини урганиш муҳим ҳисобланади.

Ёшлар социологиясининг узига хос қийин мураккаблиги ҳам унинг куп кирралигидадир. Айниқса бозор муносабатларига утиш жараёнида ёшларни иш билан таъминлаш муаммоси долзарб масалалардан биридир. Бу муаммони хал этиб борилиши ёшлар билан боглик булиб куплаб масалаларнинг ечимини топишга сезиларли таъсир курсатади. Бу борада, вилоятларда ёшларни иш билан таъминлаш борасида «Уста ва шогирд» тизими асосида куплаб ишлар қилинмокда, бундай асосий мақсад ёшларни миллий хунармандчиликка, кадриятларга, аналарга ҳурмат ва эъзоз билан муносабатда булиш ҳиссини ошириш ҳамда узларини моддий жихатдан таъминлашдан иборат.

Янги ижтимоий иктисодий муносабатларнинг таркиб топиб бориши айниқса ёшларнинг ижтимоий қарашларида жиддий узгаришлар руй бермокда. Шунинг учун, ёшларнинг келажак ҳаёти режаларини, уларнинг кизиқишларини аниқлаш мақсадида эмпирик социологик тадқиқотлар утқизиш ва назарий ҳулосалар чиқариш ёшлар социологиясининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Ёшлар келажак ҳаётини режалаштириш энг аввало оиладан бошланади. Бу жихатдан ёшлар социологияси оила мияси билан узвий боглик.

Ёшларнинг касб танлаши, иш жойларига эга булишини ишлаб чиқаришнинг интенсив равишда ривожланиши ва юксак технологик такомиллашуви жараёнида куп жихатдан таълим тизимининг сифат даражасига боглик. Бу жихатдан эса ёшлар социологияси таълим, илм-фан социологияси билан якин алоқададир.

Президентимиз И. А. Каримов узининг қатор узининг қатор асарларида, сузлаган нутқларида ҳозирги даврда, мамлакатимизда ёшларга оид қатор муаммоларини курсатиб утган.

Мамлакатимизда ёшларнинг уз келажagini куриш учун кенг имкониятлар очилди. Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ёшларнинг меҳнат қилиш, касб танлаш ва маълумот олиш ҳуқуқи қафолатланган. Ёш мутахассислар давлат бошқарувининг масъулиятли ишларига купрок жалб этилмоқда. Айниқса, иқтидорли ёшларга алоҳида эътибор берилиб, уларнинг фаолияти мавжуд иқтосид қийинчиликларга қарамадан моддий ва маънавий жихатдан қуллаб-қувватламоқда. Аммо, ёшлар билан боглик муаммоларни ҳал этиш буйича олиб борилаётган ишларни етарли даражада деб бўлмади.

Ёшлар тугрисида ҳукуматнинг муайян, изчил, илмий жихатдан асосланган, ҳаётий ва ижтимоий йуналтирилган давлат дастури бўлмоғи зарур. Бу сиз жамият ҳаёти келажagini тугри тасаввур қилиб бўлмади бу борада ёшлар социологияси билан шугулланувчи мутахассислардан жуда катта ва қаоллик талаб қилинади.

Ҳозирда амалга оширилаётган ижтимоий ислохотлар доирасида ёшларнинг таълим-тарбияси орқали эришиладиган ижтимоий истикболи, энг аввало, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги меҳнат қаоллигини таъминлаш орқали уларнинг эҳтиёжларини ва манфаатларини қондириб бориш даражасига богликдир.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Ёшларни тарбиялашдаги социал муаммолар, ёшларга яратилган шароитлар, таълим-тарбия оиладаги фаолиятлари, илмий амалий таклифларни ишлаб чиқиш, ёшларни узига хос турмуш тарзи, ёшлар муаммосини урганиш ва таҳлил қилиш, ҳулқига ва қизикишига эътибор бериш.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ёшларнинг гуруҳига неча ёшли аҳоли мансуб.
2. Ўзбекистонда ёшлар аҳолисининг фоизини айтинг?
3. Социал етуклик даврининг моҳияти.
4. Ёшлиқ даврида инсоннинг нормалари.
5. Ўзбекистонда ҳар йил тугилаётган чақалокларнинг таҳлили.
6. Ёшларнинг ижтимоий тарқиб.
7. Иқтидорли ёшлар учун қандай жамғарма мавжуд?
8. Таълим-тарбия ишларининг омиллари.
9. Ёшларга қандай ташкилотлар бор?
10. Ёшларнинг маънавий даражаси.

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Каримов «Ўзбекистон истиклол ва таракқиёт йули» 1993 йил.
2. Пулатов И. «Демография» Т. 1991 йил.
3. Асанов Т. «Аҳоли географияси» Т. 1993 йил.
4. Махсудов И. «Ўзбекистон ижтимоий жугрофия» 1996 йил.

МАВЗУ: № 10 НАФАКА ЁШДАГИ АХОЛИ ГУРУХИ.

РЕЖА:

1. НАФАКА ЁШИДАГИ ДЕМОГРАФИЯНИ СОЦИОЛОГИК УРГАНИШ.
2. УЗБЕКИСТОН КОНУНЛАРИДАГИ НАФАКАЛАРНИ ТУРЛАРИ.
3. УЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА НАФАКА ЁШДАГИ АХОЛИНИНГ САЛМОГИ.

Нафака ёши қарилик нафақаси бериладиган ёш булиб шартли равишда катаклар меҳнат қобилиятининг охири чегарасининг мезони ҳисобланади. Нафака ёшига етган шахс, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнат қилиш мажбуриятларидан озод эилади, ва шартли равишда меҳнатга яроксиз ҳисобланади. Меҳнатга яроксиз ёши дунёдаги жуда кўп давлатларда 65 ва ундан юқори ҳисобланади. Ўзбекистонда эса нафака ёши эраққлар учун 60 ёш ва аёллар учун эса 55 ёш ҳисобланади.

Нафака ёши инсон меҳнат қилган меҳнат шароити (оғир меҳнат қилган ҳолда) оиладаги фарзандлар сонига қараб қамайтириш мумкин. Ўзбекистонда қамайтирилган нафака эраққлар учун 50-55 ёш, аёллар учун 45-50 ёшни ташкил этади.

Нафака – “пенсия” лотинча сўз булиб, “тулов” деган маънони англатади. Нафака тулаш ҳар бир давлатда ўз қоидалари, мезонлари ва турлари мавжуд.

Ўзбекистон қонунчилигида нафакани 4 тури мавжуддир:

1. Қарилик нафақаси.
2. Ноғиронлик нафақаси.
3. Боқувчисини йўқотган ҳолда.
4. Нафаканинг алоҳида турлари ҳақида (кўп йиллик хизмати учун, ҳомиладорлик ва ёш болалик даври учун, қам таъминланган оилалар учун ва х. қ.)

Инсоннинг меҳнатга яроқли ёшидан нафака ёшига ўтиш унинг ҳаётида кенг социал ўзгаришларга сабаб бўлади. Инсон жамиятда бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи ижтимоий гуруҳга ўтади.

Нафака ёшидаги аҳолига жамиятдаги, оиладаги муносабатлар ҳам маълум даражада ўзгаради.

Нафака ёшидаги аҳоли саломатлиги ўлар ҳаётидаги максдига айланади. Аҳоли таркибига нафака ёшидаги аҳоли салмогининг паст ёки юқорилиги аҳолининг табиий ўсишига ва миграция жараёнига боғлиқдир. Аҳоли табиий ўсиши юқори бўлган давлатларда аҳоли таркибида нафака ёшидагилар салмоги бир мунча паст бўлади. (Осиё Лотин Америкаси ва Африкадаги давлатлар) ва аксинча аҳоли табиий ўсиши қам бўлган давлатлар эса аҳоли таркибида қариялар салмоги юқори бўлади. Иқтисодий ривожланган давлатлар, шунингдек, аҳоли ўртача ўмр қуришини ўзайтириш, аҳоли ўртасида ўлим ҳолларининг қамайиши, бошқа ҳудудлардан қатта ёшдаги аҳолининг қучиб қелиши ҳам нафака ёшдаги аҳоли салмогининг ошиб боришига олиб қелади.

Бу ҳол давлатларда “Демографик қариш” жараёнини содир этади. Демографик қариш қоэффициентлари мавжуд бўлган ўлар орқали ҳар бир ҳудудда қариш жараёнини маҳсус ҳисоблаш, таҳлил этиш ва таққослаш мумкин.

Демографик қариш жараёни жамият ҳаётидаги демографик ва социал ҳодиса бўлиб, унинг қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларимавжуддир. Бу муаммолар Н. Сачук, И. В. Қолинюк, Э. Россета қами олимлар асарларида баён этилган француз олими Ж. Бажьё – Гарньё эса қарилик шаклланиши шқаласини ишлаб қикқан.

Ҳозирги даврда қариялар салмоги ортиб бормокда XXI аср қариялар асридир десак ҳам адашмаймиз.

Инсон меҳнатга яроқли ёшдан нафака ёшига ўтиши унинг ҳаётида кенг социал ўзгаришларга сабаб бўлади. Инсон жамиятда бир ижтимоий гуруҳдан иккинчи гуруҳга ўтади.

Нафака ёшидаги аҳолига жамиятдаги, оиладаги муносабатлар ҳам маълум даражада ўзгаради.

Нафака ёшидаги аҳоли саломатлиги ўлар ҳаётидаги максдига айланади. Аҳоли таркибига нафака ёшидаги аҳоли салмогининг паст ёки юқорилиги аҳолининг табиий

ушишига ва миграция жараёнига боғлидир. Аҳоли табиий ушши юкори булган давлатларда аҳоли таркибида нафака ёшидагилар салмоги бир мунча паст булади. (Осиё Лотин Америкаси ва Африкадаги давлатлар) ва аксинча аҳоли табиий ушши кам булган давлатлар эса аҳоли таркибида қариялар салмоги юкори булади. Иқтисодий ривожланган давлатлар, шунингдек, аҳоли уртача умр қуришини узайтириш, аҳоли уртасида улим ҳолларининг камайиши, бошқа ҳудудлардан катта ёшдаги аҳолининг қучиб келиши ҳам нафака ёшдаги аҳоли салмогининг ошиб боришига олиб келади.

Бу ҳол давлатларда “Демографик қариш” жараёнини содир этади. Демографик қариш коэффициентлари мавжуд булган улар орқали ҳар бир ҳудудда қариш жараёнини махсус ҳисоблаш, таҳлил этиш ва такқослаш мумкин.

Демографик қариш жараёни жамият ҳаётидаги демографик ва социал ҳодиса бўлиб, унинг қатор ижтимоий-иқтисодий муаммоларимавжуддир. Бу муаммолар Н. Сачук, И. В. Колинюк, Э. Россета каби олимлар асарларида баён этилган француз олими Ж. Бажьё – Гарнье эса қарилик шаклланиши шкаласини ишлаб чиққан.

Ҳозирги даврда қариялар салмоги ортиб бормокда ХХІ аср қариялар асридир десак ҳам адашмаймиз.

ТАЯНЧ ИБОРАЛАР:

Нафака ёши, қарилик нафақаси, Ўзбекистон қонунчилигида нафаканинг турлари, ногиронлик нафақаси, боқувчисини йукотган, нафаканинг алоҳида турлари, қуп йиллик хизмати учун, ҳомиладорлик ёш болалик даври учун, кам таъминланган оилалар учун мавжуддир.

НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ:

1. Нафака ёши қандай гуруҳлар мавжуд?
2. Ўзбекистонда нафака ёши неча ёш ҳисобланади?
3. Ўзбекистонда қамайтирилган нафака ёши қандай белгиланган?
4. Нафакани турлари.
5. Нафака турларининг таҳлили.
6. Қарилик нафақаси.
7. Ногиронлик нафақаси.
8. Нафака ёши қандай аниқланган?
9. Эрақлар ва аёлларнинг нафака ёшидаги фарқлари.
10. Нафака ёши бошқа давлатларда қандай тақсимланган?

АДАБИЁТЛАР:

1. И. А. Қаримов «Ўзбекистон буюқ келажак сари» Ўзб. 1998 йил.
2. Асанов Т. «Аҳоли географияси» Т. 1993 йил.
3. Махсудов И. «Ўзбекистон ижтимоий жугрофия» 1996 йил.